

Коллеж раҳбари битирувчи эртага ишга жойлашадими-йўқми, қизиқмай, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳисоботларни бошқарма сўровига жавоб сифатида жўнатаверади. Қоғозларга қараб, ҳаммаси рисоладагидек экан, деб ўйлайсиз

4 бет

Иложсиз қолган қизлар ўз тақдирларига лаънатлар ўқиб, Заринанинг йўриғига юра бошлашди. Нафси ҳакалак отган Зарина қизларга маҳкам ёпишиб, уларни бир зумга ҳам қаровсиз қолдирмасди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 22-noyabr, №47 (828)



Таҳлил

Хўжалик судлов иши жараёни

унда прокурор ваколатини таъминлашга доир айрим масалалар

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ривожланишнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлини танлади. Бунда мамлакат иқтисодиётининг негизи хилма-хил шаклдаги мулкчиликка асосланган ва барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлилиги тан олинган, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва у давлат ҳимоясида эканлиги Бош қонунимизда белгилаб қўйилди.

Бундай эркинлик ва қўлайлик юридик шахслар ўртасида янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирди. Ушбу муносабатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун собиқ Арбитраж судлари тубдан ислох қилиниб, 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилингач, ушбу суд тизими "Хўжалик суди", деб номланди.

1993 йил 2 сентябрда ва янги тахрирда 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодексларида иқтисодиёт соҳасида тадбиркорлик субъектлари ўртасида хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бошқарув орган-

лари билан вужудга келадиган низоларини ҳал қилиш қоидалари янада такомиллаштирилди.

Хўжалик судларида кўрилган ишлар сони йил сайин ортиб борди. 1997 йилда 14 мингта иш кўрилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 300 мингдан ошди.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 4-, 33-36-моддаларида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва уларнинг давлат бошқаруви идоралари билан бўлган ҳуқуқий муносабатлари натижасида вужудга келадиган низолар судьяларнинг мустақиллиги принципига риоя қилган ҳолда қонуний ҳал қилиниши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд йўли билан самарали ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг фаолиятида судларда хўжалик низолари

кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш йўналиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрелдаги 13-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида"ги Низомда ҳамда шу йил 11 майдаги "Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 23-сонли буйруғида прокуратура органларининг бу соҳадаги асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Унга кўра прокурор хўжалик судидаги иштироки орқали суд органларига низо юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга, давлат, жамият ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали муҳофаза қилишга маъқуллашади.

/Давоми 5-бетда/

Жараён



Болалар келажаги, бахту иқболи тўғрисида сўз борар экан, Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган пурҳикмат сўзлари ёдимизга тушади.

Бола ҳуқуқлари ҳимояси

Жамият келажаги кафолатидир

Дарҳақиқат, инсон бу ёруғ дунёда болам, деб яшайди, бахтини фарзандларининг камолида кўради. Жаҳонда бирор-бир миллат, халқ йўқки, ўз зурриёди тўғрисида қайғурмасин. Бироқ, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбекдай болажон халқ ер юзида кам топилмади.

Болажонларнинг эркин, фаровон яшашлари, мукаммал билим олишлари, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун давлат томонидан қилинаётган хайрли ишларни санаб, адоғига етиш қийин. Улар учун барпо этилган замонвий муассасалар, спорт иншоотлари, ишлаб чиқарилаётган ҳамда хоридан келтирилаётган жиҳозлар, соғлиғига қаратилаётган эътибор — буларнинг барчаси баркамол авлод орзусида амалга оширилаётган оламшумул ишлар ҳисобланади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни яратишга истиқлолнинг дастлабки давриданок алоҳида эътибор қаратиб келинди. Жумладан, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияси 1992 йилда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида болаларнинг тенг ҳуқуқлилиги мукаммал тарзда ифода этилди. Яъни, Асосий Қонунимизнинг 65-моддасига мувофиқ, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. 64-моддага биноан, давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Ўз навбатида, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг асосий, муҳим қоидалари кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Оила кодексларида ҳам ўз ифодасини топди. Мехнат кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси, "Фуқаролик тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Ноғиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларида ҳам бола ҳуқуқларига, уларни ҳимоя қилиш шакллари оид қоидалар мустаҳкамланган.

/Давоми 3-бетда/

Обуна — 2013

Ҳурматли юртдошлар!



2013 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси

Сизнинг энг яқин

ҳамкорингиз бўлиб қолади.

Газетамизга «Матбуот тарқатувчи»

АК ва барча почта бўлимларида

обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Инсон хавфсизлигига жиддий таҳдид

Умиджон БОБОЖОНОВ,
Ургач туман прокурори

Одам савдоси чегара билмас трансмиллий жиноят бўлиб, инсонлар ҳаётига жиддий хавф солиб келмоқда. Ачинарлиси, ҳар йили минглаб инсонлар ушбу жиноят қурбонига айланмоқда. Унинг ижтимоий хавфини ўз вақтида англаган мамлакатимиз одам савдосига қарши кураш борасида кенг қўламли тадбирлар ишлаб чиқди. Жумладан, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу илатта барҳам беришнинг ҳуқуқий асосларини белгиллаб берди. Ушбу қонун мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, шу каби жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, бундай ишга қўл урган кимсаларнинг жазоланиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, қонунда жиноят оқибатларини бартараф этишнинг самарали ҳуқуқий механизми ҳам белгиллаб берилган. Бунга мувофиқ, одам савдосидан жабрланганларни осуда ҳаётга қайтариш, жиноий таъовуз тўғрисида ижтимоий-маиший шароити оғирлашган шахсларни назорат қилиш, уларнинг ижтимоий реабилитациясига ихтисослашган муассасаларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Ургач туманида ҳам мазкур қонун ҳамда республикаимиз Президентининг "Одам савдосига қарши кураш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундай жиноятга қарши курашишда ҳудудимизда 2011-2012 йилларга мўлжалланган режа асосида, туман ҳокими раислигида 11 кишидан иборат комиссия фаолият кўрсатмоқда. Туман прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг малакали ходимлари, ҳокимият вакиллари, оксколлардан иборат тарғибот гуруҳлари таълим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллаларда бўлиб, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг оғир оқибатлари, миллий қонунчилигимизга киритилган янги ҳуқуқий нормаларнинг аҳамиятини тушуништирмоқда. Йилнинг ўтган даврида 11 та қишлоқ, 35 та маҳалла, 45 та ўқув муассасаси, 17 та корхона ва ташкилотларда ана шундай суҳбатлар ташкил қилинди. Шунингдек, аҳоли гавжум жойларга одам савдосидан огоҳлантирувчи турли баннерлар ўрнатилди. Бу ишларнинг самараси янада муқаммал бўлиши учун барча маҳаллалар, ўқув муассасаларига плакат ва буклетлар тарқатилди.

Туман ИИБда ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар бўйича келиб тушган мурожаатларнинг рўйхатга олиниши ва ҳал қилиниши доимий равишда назорат қилиб боришмоқда. 31 нафар одам савдосидан жабрланганлар, уйдан чиқиб кетганига уч йилдан ортиқ муддат бўлган 22 нафар шахс, хорижий давлатлардан депортация қилинган 22 нафар фуқаро билан профилактика ишлари олиб боришмоқда. Ўтган йилларда одам савдоси билан боғлиқ 2 та жиноят иши кўзга тилиди. Бундай жиноятларни содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган 3 нафар шахсга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Инсон эркинлигини кечлаб қўядиган бундай жиноятнинг олдини олиш, юртдошларимизни унинг гирдобига тушиб, қурбонига айланишига йўл қўймайлик учун ҳаққон таъқиботларни, ўзини-ўзи бошқариш идоралари мутасаддилари ҳамкорлиги янада кучайтиришлари, жойларда тарғибот-таъқибот ишлари самардорлигини оширишлари талаб этилади. Бандлик муаммоларини ҳал этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам бу турдаги жиноятларга барҳам берилишида муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, барчамиз ҳар доим ва ҳар лаҳза ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз шарт ва зарурдир.

Йўлсозларнинг эгри «йўллари»

Ойбек ХОШИМОВ,
Фурқат туман прокурори

Инсон тўғри йўлдан алашмаса, кўзлаган мақсадларига эришади. Аксинча, эгри йўлни танласа, бот берк кўчага кириб, ўзига жабр қилади. Ҳақиқий ишбилармонлар ҳалол иш юритиб, эл-юрт равнақига баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшишга тўпган даромадларини фаолиятларини кенгайтиришга, эзгу амаларга сарфлашга тўп. Афсуски, айрим нафсининг ноғорасига ўйнаган кимсалар эса ғайриқонуний ишга қўл уриб, ўз оёқларига кишан ура-яптилар. Бунга мисол қилиб, қишлоқларимиздаги йўлларни таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағларни талон-торож қилмоқчи бўлган шахсларни келтириш мумкин.

Туман прокуратураси томонидан ички йўлларни жорий таъмирлаш манзилли рўйхати бўйича ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ўрганилганда, бир қатор жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Чунончи, 2012 йил учун тасдиқланган дастурда туман бўйича 13 та қишлоқдаги ички йўлларни таъмирлашга киришилган. Шу жумладан, Чирқай, Бешчеки, Пахтаобод, Шатура, Шунқор каби 10 та қишлоқнинг ички йўлларини жорий таъмирлаш учун 245,6 млн. сўм миқдорига маблағ ажратилган. Шартонома биноан, "Тайёрагоҳ Плюс Шавкатжон омад" хусусий корхонаси апрель ойи охирида ишга киришган эди. Бу ишларда буюртмачи ҳисобланган туман ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлимига корхона май, июнь, июль ойларида бажарилган ишлар ҳажми юзасидан далолатномаларини тақдим этган. Аммо, буюртмачи корхонанинг раҳбари А.Рахимов, бош ҳисобчиси Ш.Маматкулов ва муҳандиси С.Асқаровлар бажарилган ишларнинг ҳажми

аслидагига нисбатан кўпайтириб ёзилганини кўра туриб, "кўнгилчанлик" билан далолатномаларни имзолаб бераверишган.

Пудратчи корхона томонидан қишлоқларнинг ичидаги тош йўлларни асфальтлаш бўйича қилинган ишлар назорат ўлчовидан ўтказилганида иш ҳажми, иш ҳақлари, машина-механизмлар хизмати аслига нисбатан кўпайтириб ҳисобланганлиги аниқланди. Ҳисоботларда жами 172,5 минг сўм иш ҳақи, 1 млн. 586 минг сўмлик машина-механизмлар хизмати, Сурпа, Пахтаобод, Қулбобо қишлоқларида эса салкам 2 минг квадрат метр йўлларга битум қўйиш ишлари қўшиб ёзилган. 9 та қишлоқлардаги йўлларни жорий таъмирлаш ишларининг ҳаражатлари салкам 3 млн. сўмга кўпайтирилиб, тўлов учун тақдим этилган. Буюртмачи корхонанинг масъул мансабдор шахслари сохталаштирилган ҳужжатларни имзолаб, пудратчи корхонага май, июнь, июль ойларида жами 200,5 млн. сўм пул маблағларини ўтказиб

беришган. Бундан ташқари, пудратчининг ноғорасига ўйнаган буюртмачи корхонанинг раҳбарлари чалакам-чатти, сифатсиз бажарилган ишларни ҳам қабул қилиб олишаверган. Бунинг натижасида, салкам 2,2 млн. сўмлик ишларнинг сифатсиз бажарилишига йўл қўйилган.

Шунингдек, пудратчи "Тайёрагоҳ Плюс Шавкатжон омад" корхонасининг раҳбари Ш.Аминов бош ҳисобчи Б.Эркабоев билан жиноий тил бириктириб, 2009-2012 йиллар мобайлида реализация қилинган маҳсулотлардан тушган тушумнинг ялли даромад таркибини кўрсатмасдан, 10 млн. сўмликдан зиёд солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган. Тергов ҳараёнида аниқланган салкам 13 млн. сўмлик моддий зарар ва солиқларнинг ундирилиши таъминланди.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича йўлсозларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиси ҳамда уларнинг бу қилмишларини яшириб, қишлоқлардаги йўлларни таъмирлаш учун ажратилган бюджет маблағларини биргалашиб талон-торож қилган туман ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш корхонасининг бошлиғи А.Рахимов, бош ҳисобчиси Ш.Маматкулов, муҳандиси С.Асқаровларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Истиқол йилларида барча соҳалар сингари аграр соҳага ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, соҳада фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, деҳқончиликка уруғчилик, агротехника ва замонавий техникаларни кенг жалб этиш каби ҳаракатлар ҳос пудратчи раҳбар топишда ўзига хос пойдевор бўли, дейишга барча асосларимиз бор.

Бундайлар кечирилмайди

Олимжон СОЛИБ,
Зомин туман прокурори

Бугун мамлакатимизда пахта ва галла-етиштиришга бўлган ёндашув тубдан ўзгариб, ютуқлар илгаригидек рақамлар билан эмас, балки қўрилгандаги соф фойда салмоғи билан баҳоланадиган бўлди. Биламизки, даромадининг юқори бўлиши кўп жиҳатдан маҳсулот сифатига, демакки, пахта ва галланинг парваришига боғлиқ. Аммо, ана шу халқ ризиқи ва бойлиги ҳисобланган маҳсулотларни етиштиришда керак бўладиган минерал ўғитларнинг талон-торож қилиниши, ҳосилдорлиқнинг кескин пасайишига олиб келиши билан бирга, йил бўйи қилинган меҳнатнинг самарасиз якунланишига ҳам сабаб бўлиши барчамизга аён.

Ана шундай муҳим ҳисобланган ўғит маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларини "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖ Зомин туман филиалига қарашли "Галиб" шохобчаси мудири У.Бойкулов ва бошқа шахслар томонидан амалга оширилган қўғирлиқларда қўғирлиқсиз мумкин. Бу фуқаролар олдиндан жиноий тил бириктириб, тонналаб минерал ўғитларни фермер хўжаликларига ўз вақтида етказиш ўрнига тил тортиб, ўзлаштириб келганлар.

Хусусан, У.Бойкулов ҳудуддаги фермер хўжаликларига тарқатиш учун 2012 йил 12 март кунги талабнома асосида 25 минг кг. "Карбамид" минерал ўғитини ўзининг моддий жавобгарлигига кириб қилиб, "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖ Зомин туман филиали марказий омборидан олиб чиқди. Олиб келинган минерал ўғитлардан 3 250 кг.ни фермер хўжаликларига тарқатиб, қолган 9 млн. 156 минг сўмликни турли шахсларга сотиб юборди. Сотишдан тушган пул маблағлари шахсий эҳтиёжлар учун ишлатилди. Ҳужжатларга, гўё сотиб юборилган минерал ўғитлар қолдиқда мавжудлиги тўғрисида сохта ёзувлар киритилди. Текшириш даврида шунингдек, "калий хлорид" ва "суперфосфат" минерал ўғитларининг ҳам талон-торож қилинганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича У.Бойкулов ва бошқаларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, суд ҳукми билан улар тегишли жазога тортилдилар.

Уйлаймики, "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖ тизимида қирувчи бошқа омбор ва шохобча мансабдорлари юқоридаги ҳолатлардан тўғри хулоса чиқариб, фаолият юритадилар.

Сансалорлик оқибати

Улуғбек РАХИМОВ,
Бўз туман прокурори

Бугунги кунда одам савдосига қарши кураш жамиятимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Бу илатта қарши курашиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши кураш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам ҳаётга кенг қўлаб таътиб этилмоқда. Бу шу ишга дахлдор шахсларга, жумладан, ҳар биримизга катта масъулият юклаши табиий. Юқоридаги қонун ва қарорда кўрсатилган вазифалар ижроси юзасидан жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида махсус ишчи гуруҳлари тuzилган.

Бўз туманида ўтказилган текширишларда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Масъулиятни эсдан чиқариб қўйган айрим соҳа вакиллари охир-оқибат қонун олдида жавобгар бўлиб қолмоқда. Масалан, туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мансабдор шахслари ўз ваколатларини суистеъмол қилиб, вилоят бош бошқармасидан келтирилган 2 100 та меҳнат дафтарчаларини тумандаги корхона ва ташкилотларга 2 млн. 523 минг сўмга сотиб юбориб, тушган нақд пулни кириб қилмасдан, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган. Шунингдек, маркази мансабдорлари туманда бўлиш ўринлари ташкил этиб, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига қўра, 2012 йилнинг 8 ойда янги иш ўринлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш режаси 104,2 фоиз бажарилганлигини кўрсатишган. Аслида эса, 925 нафар фуқаро ишга жойлаштирилмаган. Мансабдорлар уларнинг жойлаштирилганлиги ҳақида сохта маълумотнома тузиб, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва вилоят статистика бошқармасига тақдим этишган.

Бўз туман тиббиёт бirlашмасига қарашли марказий поликлиника мудири Манноб Бўтаев эса ўз мансаб масъулиятини унутганлардан экан. Юқоридаги қонун ва қарор ижроси юзасидан ўтказилган текшириш ҳараёнида Маннобжоннинг кирдиқори фoш бўлди. У қонун ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги буйруқлари бажарилишини тўлиқ таъминламаган. Хусусан, туман тиббиёт бirlашмаси бошлиғининг буйруғига қўра, унга узок муддатга хорижга чиққан, одам савдосидан жабрланганлар ва депортация қилинганларни тиббий кўриқдан ўтказиш вазифаси юклатилган бўлса-да, аммо мудири жорий йилда депортация қилинган 4 нафар фуқарони тиббий кўриқдан ўтказишнинг таъминламаган. Шунингдек, узок муддатга чиқиб кетиб, қайтиб келган 380 нафар фуқародан атиги 85 нафарига тиббий кўриқдан ўтказилган, холос.

Бундан ташқари, М.Бўтаев томонидан одам савдосига қарши кураш ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш бўйича тадбирлар режаси умуман ишлаб чиқилмаган ва амалиётга таътиб этилмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил августдаги буйруғи 1,1 бандига мувофиқ, даволаш-профилактика муассасаларида одам савдосидан жабрланганларнинг муружаатлари, уларга кўрсатилган ёрдам тўғрисидаги маълумотлар тегишли тартибда қайд этиб борилиши кўрсатилган бўлса-да, бундай журнал юритилмаган.

Мазкур ҳолатлар атрофида ўраниб чиқибди, туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мансабдорларига ва масъулиятсиз шифокорга тегишли тартибда жавобгарлик масаласи белгиланди.

Юқорида таъкидланган каби, одам савдоси жиноятига қарши курашиш бугунги куннинг муҳим масаласи бўлиб турибди. Шунинг учун мазкур илатни туб илдири билан йўқотиш даркор, зеро, ҳеч ким ўзга шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунга хилоф тарзда кечлашга ҳақли эмас. Бу, эркин жамиятимизнинг олтин қоридларидан бири, десак, асло муболага бўлмайди.

Бола ҳуқуқлари ҳимояси

Жамият келажаги кафолатидир

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Айни пайтда бола ҳуқуқлари, уларнинг ҳимояси бўйича давлат кафолатини таъминловчи алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш зарурати юзасига келди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарорига мувофиқ, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

Маълумки, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясида иштироки-давлатлар ўз таъсир доирасида бўлган ҳар бир бола учун қўзда тутилган барча ҳуқуқларни ҳеч қандай камситишларсиз, irqи, ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳоли, боланинг соғлиги, ота-онаси ёки қонунӣ васийси ёҳуд бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қилишлари ҳамда шу ҳуқуқларни таъминлаб беришлари қайд этилган.

Айтиш мумкинки, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлатимизнинг айнан бола ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга оид сиёсатини янада аниқ-равшан белгилаб беради. Жумладан, унинг 4-моддаси "Бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари ифода этилган: бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунӣ манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлигини, шаъни, қадр-қимматини муҳофаза қилиш; болалар ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини, бу борада давлат органлари ва мансбдор шахслар фаолиятининг очиқлиги, ошқоралигини таъминлаш; бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик; бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқӣ асосларини тақомиллаштириш; боланинг жисмонӣ, интеллектуал, маънавий ва ахлоқӣ ривожланишига қўмаклашиш; болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш; уларда ҳуқуқӣ онг ва маданиятни шаклландириш; болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш; малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг камайишига, ювенал (вояга етмаганлар ҳуқуқи) тизимни ташкил қилиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш.

Қонуннинг 5-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Шу билан бирга, қонунда бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотларининг иштироки масаласига ҳам ойдинлик киритилганки (6-модда), бу ҳолат "Қучли давлатдан - қучли фуқаролик жамияти сари" деган тамойилга тамомлаи мос келади.

Қонуннинг 2-боби тўлиқ бола ҳуқуқларининг асосий кафолатларига бағишланган. Унда боланинг яшаш, индивидуаллик ва уни сақлаб қолиш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ўз фикрини эркин ифода этиш, ахборот олиш, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, меҳнат, таълим олиш ҳуқуқлари, ҳимояга, оилавий муҳитга, хусусий мулкка, турар жойга, дам олиш ва бўш вақтга, соғлигини сақлашга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари, болаларни тарбиялаётган оилаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши баён қилинган.

Маълумки, Конституциямизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги қайд этилган. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда бу конституцийвий норма қуйидагича ифода этилади: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Боланинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Давлат боланинг соғлом туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароитлар яратди.

Айнан мана шу қонданинг ўзи ҳам давлат оналик ва балолик муҳофазасига жиддий эътибор бераётганидан далолатдир. Шунингдек, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга биноан, ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар

Нодирбек РАҲМОНОВ,
Навоий вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

жой ва хат-хабар сирлари дахлсизлиги, унинг шаъни ва қадр-қимматиға таъжовуздан, шахсий ҳаётиға ноқонунӣ аралашувдан ҳимояланиш ҳуқуқиға эға.

Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунӣ манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансбдор шахслар, нодавлат — нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ғайиқонунӣ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Бола ота-она, ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмоликлардан ҳимояланиш ҳуқуқиға эға.

Бизнингча, қонундаги энг муҳим жиҳатлардан яна бири, боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқининг кафолатланганидир. 18-моддада бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқиға эға бўлиши мумкинлиги баён этилади ва бундай хусусий мулкка қуйидагича таъриф берилади: "Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳада, мерос тариқасида олинган, шунингдек, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонунӣ усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир".

Қонунда, боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи кафолатларига ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлигини сақлаш шароитларини яратиши қонунӣ норма сифатида мустаҳкамланган.

Маълумки, "Таълим тўғрисида"ги, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Нотижорларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, болалар ҳуқуқларининг кафолатлари акс эттирилган. Шунга қарамай, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунда ҳам айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларини мустаҳкамлашни халқимизнинг азалий анъаналари, саховати, давлатнинг баркамол авлод учун ғамхўрлиги, қучли ижтимоий сиёсатнинг ҳаётий ифодасидир.



Эрк ва тинчлик қомуси

Абдурашид ЖҲУРАЛОВ,
Миришкор туман прокурори

Давлатни жамиятсиз, жамиятни инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавий соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар эркин ва қучли фуқаролик жамиятини барпо этишдек эзгу мақсадни рўйбга чиқаришга қаратилган. Конституция эса ана шу эзгу мақсадларнинг ҳуқуқӣ кафолатидир.

Дунёда тинчликдан буюк неъмат йўқ. Юрт тинч бўлса, оила, кўнглилар хотиржам. Қолаверса, тинчлик барқарор юртда юксалиш, ривожланиш, ҳар жабҳада ўсиш бўлади. Урушлар гирдобиди қолган, нотинч мамлакатларни қузатиб шунга амин бўлиш мумкинки, нотинчлик бор жойда инқирозга юз тутиш суръати ортади. Шукрки, юртимиз тинчлиги ишончли қўлларда. Мамлакатимиз ўз миллий армияси, Қуролли Қўчларига эға. Конституциямизнинг 125-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўчлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий ахтиллигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Қўчларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

Демак, мамлакат ҳавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган. Ҳозирги мураккаб бир даврда халқимизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундашлар ҳам бежизга эмас. Президентимизнинг халқроқ минбарлардан туриб давлатлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлаш, нотинч минтақаларда вазиятни барқарорлаштириш борасида билдирган тақлиф ва фикрларининг нақадар муҳим ва асосли эканлиги бугун ўз исботини топмоқда.

Мамлакатимизда собиқ тузум даврида ёшларни ҳарбий хизматга қақирув олдидан ота-оналар кўнглида фарзандлари учун туғилган хавотирлари мустақиллик туфайли барҳам тоғди. Жасур йигитларимиз эндиликда ўз она-Ватанларини ҳимоя қилишдек шарафли ишга бел боғлар эканлар, улар, аввало, шу жаннатмакон юртнинг фарзанди эканликларидан кўнглиларида фахр-ифтихор туйишмоқда. Буни эса ҳарбий хизматга отланаётган йигитларимизнинг шижоатидан англаш мумкин.

Сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда миллий армиямизни шакллантириш, Қуролли Қўчларимизнинг салоҳияти, ҳарбийларимизнинг билим ва малакасини ошириш борасида амалга оширилган ислохотлар ҳам тинчлигимизни барқарор этишда муҳим замин бўлмоқда. Зеро, Бош Қўнумимизнинг 126-моддасида баён этилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли қўчларига эға. Юртбошимиз раҳнамолиги, халқимизнинг иродаси билан мамлакат тинчлиги таъминланаётган экан, унинг қадриға етиш, Конституция ва қўнунларимизга амал қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Миллий Қўнумимиз мазмунан истиқлол ғояси билан сугорилган, инсонпарварлик ва бунёдкорлик ғояларини ўзида муҳассам этган. Қолаверса, Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатлари кафолатланган.

Асосий Қўнумимизнинг 39-моддасида "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқиға эға.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг микдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам микдордан оз бўлиши мумкин эмас", дея белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда аҳолининг ҳар бир қатлами давлат ҳимоясиди эканлигини билдиради ва бу ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қатор моддалари билан ҳам мустаҳкамланган.

Ёки Конституциянинг 18-моддасини олайлик. Ушбу моддада "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эға бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт", дейилган. Бу эса мамлакатимизда қонун устувор эканлигини, ҳар бир ишга ҳуқуқӣ томондан ёндошиш лозимлигини кўрсатади.

Конституция ва қонунлар моҳиятини чўқур англаш учун, аввало, кишида ҳуқуқӣ онг шаклланиб, ҳуқуқӣ маданият юксалган бўлиши лозим. Бу ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини билиши ва қонунларга риоя этган ҳолда иш олиб боришини англашди. Фуқароларимиз ўз ҳуқуқлари учун фақат ўзлари курашмайдилар, албатта. Бу ҳуқуқларни ҳимоя қилишни давлат ўз зиммасига олган. Конституциямизнинг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди", деб белгилаб қўйилган ҳам фикримизнинг далилидир.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Агарки мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини, биринчи навбатда, биз учун мулққа янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқӣ пойдеворини айнан Асосий Қўнумимиз белгилаб берганида қўрамиз", деган фикрларни баён этган эди. Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида амалга оширилган ислохотларнинг Конституциямизга, қонунӣликка асосланганлиги ҳар лаҳзада кўзга ташланади.

Хуллас, ҳар биримиз энг катта неъмат — юртимиздаги тинчлик ва осойишталикда, бугунги фаровон турмушимизда, улкан бунёдкорлик ва ислохотларда, халқимиз маънавий қадриятларининг ардоқланишида Асосий Қўнумимиз — Конституциянинг алоҳида ўрни борлигини унутмаслигимиз керак.



Хотин-қизлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Ўзбекистон халқи Президент Исроил Каримов раҳнамолигида белгиланган олий мақсадалар сари интилиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Эришилган ютуқлар нафақат бугунги авлоднинг, балки аждоҳларимизнинг ҳам истак-иродаси эди, дейишимизга етарлича асослар бор. Зотан, улар ният қилган улуғ мақсадалар истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Мустақиллик шарофати билан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига олий ҳақрият сифатида қарашиб, бу масала қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топади.

Биргина мисол, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда муносиб ўринларини эгаллашлари учун керакли шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, Давлат дастурлари амалиётда ўзини тўла-тўқис оқламоқда.

Оилалар мустақамлиги, барқарорлиги, фарзандларнинг тарбияси ва иқтидор, уларнинг жамиятдаги интеллектуал салоҳияти, маънавият ҳамда маданияти, маърифати, кўйингки, барча жаҳдаларда эришилган ютуқлар жамият тараққиотида хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Шу маънода, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини янада мустақамлаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг тўлақонли иштирокисига айлантириш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда мазкур Фармон аёлларимизнинг тиббиётда, халқ таълимида, иқтисодиётда, сиёсатда, жамоат ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, фарзанд тарбияси-

даги ўрни ва нуфузини оширишда ва буларнинг қонунчиликда мустақамланишига ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилиб келаётди.

Ўзбекистон тумани прокуратураси томонидан ҳам аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш мақсадида "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида қатор назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Маълумки, оила жамиятнинг ривожланишини таъминловчи муҳим бўғинлардан бири бўлиб, бу фаолиятда аёлларнинг ўрни бекиёс. Бугунги кунда туман аҳолисининг 53 фоизи ёки 109 минг нафарини аёллар ташкил этади. "Мустақам оила йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, туманда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида уларга қорамоллар харид қилиш ҳамда шахсий томорқа ва деҳқон ҳўжаликларида имтиёзли кре-

дитлар ажратиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 2 минг 235 нафар аёлнинг бандлиги таъминланиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 261 та, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан 212 та, ташкилот ва муассасаларда 73 та, саноатда 70 та иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлик ва оилавий бизнес билан шугулланувчи 81 нафар аёлга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Туман прокуратураси томонидан доимий равишда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада рўй берган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича ҳам самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, фуқаро Д.Мирзаева туман прокуратурасида ташкил этилган "007" рақамли ишонч телефонида кўнғирок қилиб, уй шароитида чорвачилик билан шугулланиши учун ДТ "Халқ банки" Ўзбекистон туман бўлими томонидан кредит маблағи ажратиш берилмаётганлигини баён

қилган. Мурожаат ўрганилганда, банк мутасаддилари томонидан унга кредит маблағи ажратиш масаласи қонунда белгиланган муддатларда ҳал этилмаганлиги маълум бўлди. Ўрганиш натижасига кўра, айбдорларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, фуқаро Д.Мирзаевага кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, туманда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларнинг қонунийлиги ўрганилди. Туғиш ёшидаги 54 минг 602 нафар аёл, 26 минг 843 нафар ўсмир қизлар ҳуқуқларини тиббий кўриқдан ўтказилиб, касалликлари аниқланган 27 минг 633 нафар туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар соғломлаштирилди.

Шунингдек, туман аҳолисининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтириш ва шакллантиришда жамоатчиликнинг тиббий маданияти ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда айрим қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 10 нафар масъул шахс интизомий, 5 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдирномалар киритилди.

Бевосита мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қиз-

Одилжон ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон туман прокурори

ларни эрта турмушга узатилишининг олдини олиш борасида кенг жамоатчилик билан олиб борилган тушунтириш ҳамда тарғибот тадбирлари натижасида касб-ҳунар коллежларида 2 нафар ўқувчи қизнинг эрта турмушга узатилишига чек қўйилди.

Туман прокуратураси томонидан дастурга мувофиқ кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва бу соҳада қонун талабларига риоя этилиши аҳоли мунтазам равишда назорат қилинаётди. Жумладан, Вазирлар Маҳмадини 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарори ижроси «Кони-зар» қишлоқ фуқаролар йиғини фаолиятида ўрганилганда, баъзи қонунбузарликлар аниқланди. Мисол учун, нафақа тайинлаш комиссиясининг 2012 йил 30 июлдаги қарори билан фуқаро И.Қурбоновнинг моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги аризаси асоссиз равишда рад этилганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат бўйича комиссия қарорини бекор қилиш юзасидан протест келтирилди. Натيجида ҚФЙ нафақа тайинлаш комиссияси томонидан И.Қурбоновнинг оиласига моддий ёрдам пуллари тайинланиб, унинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу каби ҳолатлар бўйича ноқонуний қарорларга нисбатан 9 та протест келтирилиб, 18 нафар шахс интизомий, 17 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 6 та тақдирнома киритилиб, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди ва 6 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди.



Мамлакатимиз келажакни ёшлар белгилайди. Бугун уларнинг тўлақонли билим олишлари учун барча имкониятлар етарли. Ҳатто юртимизнинг олис ҳудудларида қад рўстлаган замонавий коллежлар ҳам ўқиш истагида бўлган ёшлар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Коллежда ўқувчи нафақат билим олади, балки ўзи қизиққан касб соҳиби бўлиб ҳам етишади. Коллежни битиргандан сўнг уларни иш билан таъминлаш масаласи мазкур касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарияти зиммасига ҳам катта масъулият оклайди. Ҳўш, коллеж раҳбарлари зиммаларидаги ана шу вазифани қандай бажаришарди?

Вилоят прокуратураси томонидан виллоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимида қарашли таълим муассасаларини жорий йилда тамомлаган битирувчиларнинг иш билан таъминланиши юзасидан ўтказилган кузатув соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар борлигини кўрсатди.

Хусусан, виллоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, қатор қонунбузилиш ҳолатларида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Жорий йилда коллежларни тамомлаган битирувчиларнинг иш билан таъминланиши масаласига юзачи қаралгани оқибатида, виллоят бўйича 42139 нафар битирув-

Сохта шартномалар Бундан кимга наф?

чидан бор-йўғи 19233 нафари иш билан таъминланган.

Маълумки, уч йил мобайнида коллежда тахсил олган ўқувчининг ўқилиши битиргандан сўнг ишсиз қўлмаслиги учун таълим давридаёқ тегишли ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузилиши лозим. Бирок, юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, бошқарма тасарруфидagi таълим муассасаларида ёшларни иш билан таъминлаш борасида тегишли чоралар кўрилмаган. Коллеж раҳбари битирувчи эртага ишга жойлашадими-йўқми, қизикмай, ҳақиқатта мос келмайдиган ҳисоботларни бошқарма сўровига жавоб сифатида жўнатаверади. Қоғозларга қараб, ҳаммаси рисоладагидек экан, деб ўйлайсиз. Мисол учун, Қарши маданият коллежи битирувчиси М.Рустомовани ишга жойлаштириш бўйича 2012 йил 28 февраль кунги шартдаги "Меҳр-Файз" ҳусусий корхонаси билан тузилган шартномада корхона раҳбарининг шахсий имзоси ва корхона муҳри қўйилмаган. Қолаверса, мазкур корхонада ишлаш учун бўш

Мусо ШАРИПОВ,
Қашқадарё виллоят прокурорининг катта ёрдамчиси

иш ўринининг ўзи мавжуд эмас. Бирок коллеж раҳбарияти ҳисоботда битирувчиларнинг тўлиқ иш билан таъминланганлигини қайд этган.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Қарши туманидаги "Хил" агросаноат касб-ҳунар коллежининг 240 нафар битирувчиларини иш билан таъминлаш тўғрисидаги шартномаларнинг сохталлиги аниқланди. Бўш иш ўринлари бўлмаганда, "А.Икромов техника мадаҳкори" ММТП билан 25 нафар, "Санам" МЧЖ билан 27 нафар, "Қашқадарё виллоят электр тармоқлари" ОАЖ билан 23 нафар, "Cotton Roat" Ўзбекистон-Туркия қўша корхонаси билан 34 нафар битирувчи ўртасида уларнинг мутахассислигига мос келмайдиган шартномалар тузилган. 32 нафар битирувчи билан эса мутлақо шартнома тузилмаган. Бу коллеж раҳбариятининг ўз ишига эътиборсизлиги

ва масъулиятсизлигини кўрсатиб турибди. Ўтказилган текширув ва қўрилган чора-тадбирлар натижасида бундай камчиликлар бартараф этилди. Шунингдек, дарсларга сабабсиз иштирок этмай қўйган, шу жумладан, чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган ўқувчиларнинг қарердалиги аниқланиб, уларни таълимга қайтариш чора-тадбирлари кўрилди. 78 нафар ўқувчининг хорижий мамлакатларга чиқиб кетиши коллежлар раҳбарларининг ота-оналар, маҳалла фаоллари билан етарлича тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бормоганлиги оқибатидир. Бундай ҳолатни Қарши қурилиш касб-ҳунар коллежида, Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида, Муборак саноат касб-ҳунар коллежларида кузатиш мумкин.

Ишдаги масъулиятсизлик ва қонунбузарлик жиноятни юзага келтиради. Коллежларда битирувчилар тўғрисидаги ҳисоботларни қалбақлаштиришга бўлган уринишларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ютуқларимиз ҳақида тўлқинланиб гапирамиз. Аммо камчиликларимизга келганда турли баҳолардан кўрсатиб, вазиятдан чиқишга уринамиз. Ваҳоланки, камчилик ва хатолар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бу авваламбор, масъулиятсизлик оқибатидир. Бугунги кун эса, масъулиятсизликни асло кечирмайди. Қолаверса, гап ёшлар тақдири ҳақида борар экан, бунга панжа орасидан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ҳўжалик судлов иши жараёни

унда прокурор ваколатини таъминлашга доир айрим масалалар



/Давоми.

Бошланғичи 1-бетда/

Хўжалик процессуал ҳуқуқи назариясидан маълумки, ҳўжалик процесси қуйидаги босқичлардан иборат:

- ҳўжалик судида иш қўзғатиш;
- ишни суд муҳокамасига тайёрлаш;
- низои ҳўжалик суди мажлисида муҳокама қилиш;
- апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида иш юритиш;
- ҳўжалик судининг қонуний кўчга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қўриш;
- суд ҳужжатларини ижро қилиш.

Қўрсатиб ўтилган жараёнларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор ўз ваколатини қуйидаги шаклда амалга оширади:

1. Ҳўжалик судига даъво ариза (ариза) бериш;
2. Ҳўжалик суди муҳокамасида прокурор иштирокини таъминлаш;
3. Қонунга мувофиқ бўлмаган суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлар)га протест келтириш йўли билан прокурор ҳўжалик судида ўз ваколатини таъминлайди.

Прокурор томонидан тадбиркорнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатлари поймол қилинган ҳолатлар аниқланса ва унинг ҳуқуқларини тиклаш судга тегишли бўлса, прокурор ҳўжалик судига даъво аризаси билан муурожаат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ишловларнинг ҳуқуқий асоси сифатида Конституциямизга асосланган 350 дан зиёд қонунлар, 8 мингдан ортиқ бошқа турдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар самарали хизмат қилиб келмоқда. Ушбу норматив ҳужжатларда халқ иродасини ифодаловчи, уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи, тинчлик ва миллий тотувлиқни таъминловчи, халққаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ақс эттирилган. Прокурор манфаати қўзланаётган тарафнинг қонуний манфаатлари тикланишини таъминлаш учун ушбу қонун ҳужжатларининг моҳияти ва талабларини мукамал билиши лозим.

Айнан қонун ҳужжатлари нормаларига таянган ҳолда прокурор, даъво аризасини асослаб, Ўзбекистон Республикаси ХПҚнинг 112-моддаси талабларига белгиланган

шакл ва мазмунда уни судга тақдим қилади. Низо қонуний ҳал қилиниши учун зарур бўлган барча маълумотлар прокурор томонидан даъво аризасига илова қилинади.

Ҳўжалик судига даъво аризаси бериш ваколатига эга бўлган тарафлардан фарқли ўларок, прокурор қонунларни мукамал билувчи, малакали, олий маълумотли ҳуқуқшунос ҳисобланади. Шу сабабли, прокурорнинг даъво аризаси юридик жиҳатдан юқори даражада сифатли бўлиши лозим.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддаси ва Солиқ кодексининг 330-моддаси 22-бандига кўра, прокурор томонидан давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини қўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан давлат божи ундирилмайди. Бу — давлат манфаатларини, ҳўжалик юритувчи субъектларни, айниқса, иқтисодий аҳоли оғир бўлган ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда қулай қонуний имкониятлардан бири ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан давлат ва жамият, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2011 йилдан 182 млрд. сўмлик 21 мингдан зиёд, жорий йилнинг 9 ойида эса 82 млрд. сўмлик 8,365 та даъво аризалари ҳўжалик судларига киритилган.

Кодекснинг 43-моддаси ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасига кўра, прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига ва судьяларнинг мустақиллиги принципларига риоя қилган ҳолда барча ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақлидир.

Республика Бош прокурорининг соҳага оид буйруғи талабларига мувофиқ, ҳўжалик судида иштирок этаётган прокурор суд мажлисида пухта тайёргарлик қўриб, иш мазмунини, низога оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва иш материалларини суд жараёни бошлангунга қадар тўлиқ ўрганиб, қуйидагиларга, яъни:

- ишнинг ҳўжалик судига тааллуқлилиги;
- ўзгалар номидан ариза берган шахснинг қонуний ваколатига эга эканлиги;
- ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далилларнинг мавжудлиги;
- низо бўйича жавобгарнинг тўғри жалб қилинганлиги;

- даъвони таъминлаш чоралари қўрилганлиги;
- давлат божи тўланганлиги ва низоининг қонуний ҳал этилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Суд муҳокамасида иштирок этувчи прокурор тарафларнинг тортишуви принципларига амал қилган ҳолда, далилларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, иш моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, унинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига қўмақлашади.

Ҳўжалик судларининг барча босқичларида ишлар қўрилишида, айниқса:

- давлат ва жамоат мулкини ҳимоя қилиш;
- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш;

- корхона ва ташкилотларнинг банкротлиги;
- хусусийлаштириш;
- табиат муҳофазаси билан боғлиқ ишлар қўрилишида зарар етказилишига сабаб бўлган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий, моддий жавобгарлик чораларини қўриш масалалари муҳокама қилиниши чораларини қўриши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 сентябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунининг асосан, кодекснинг 152-моддаси 4-қисмига ўзгариш киритилди. Унга кўра, суд ҳўжалик низоини қўраётганида шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини ўзгатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади. Судда иштирок этаётган прокурор, қонуннинг ушбу талаби бажарилишига эътибор бериб, прокурор сифатида ўз фикрини суд жараёнида билдириши лозим.

Кодекснинг 43-моддаси 6-қисмига кўра, қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиши зарур, деб топган ҳолларда ишни қўришда прокурор иштирок этиши шарт.

Бош прокурорнинг 23-сонли буйруғининг 5-бандига қуйидаги ишларда, жумладан:

- прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган;
- давлат мулкини ҳимоя қилиш билан боғлиқ;

- юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш;
- халқаро ва давлатлараро шартномалар, келишувлар бўйича;

- банкрот деб эълон қилиш;
- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш;
- давлат рўйхатида олишнинг рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатида олишдан бош торганлик устидан берилган шикоятлар;
- давлат назорат органларининг пул маблағларини акцептсиз тартибда ундириш ҳақидаги ҳужжатларининг ижро этилиши мумкин эмас деб топиш;
- контрактация ва ер ижараси шартномалари билан боғлиқ;

- табиатга зарар етказишдан келиб чиққан низолар;
- апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ишлар қўрилишида прокурор иштирокининг қатъий таъминланиши лозимлиги қўрсатилган.

Амалиётда шу тоифадаги ишларнинг ҳўжалик судларида қўрилишида прокурор ваколати таъминланиб келинмоқда.

Кодекснинг 128-моддасига кўра, ҳўжалик суди ишни қўриганда далилларни текшириш, хусусан, тарафларнинг тушунтириш, қўрсатув ва экспертнинг хулосаларини эшитиш, ёзма далиллар билан танишиш, ашёвий далилларни қўздан кечирishi мумкин.

Кодекснинг 133-моддасига мувофиқ, барча далиллар текширилганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш бўйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлаш, бундай аризалар бўлмаса, раислик қилувчи ишни текшириш тугаганлигини эълон қилиб, ҳўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун йиғилиш хонасидан чиқиб кетиши белгиланган.

Амалиётда, низо судда муҳокама қилиб бўлингандан сўнг тарафларга, прокурорга ёки ишда қатнашаётган бошқа давлат органларига музокара учун сўз берилади. Лекин, ушбу процессуал ҳаракатлар учун, хусусан, музокара учун сўз бериш тартиби, шакли, сўзга чиқувчиларнинг кетма-кетлиги, ўз мулоҳазаларини билдиришга доир қоидалар Ҳўжалик процессуал кодексига белгиланмаган.

Бу каби нормалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексида, Россия Федерацияси, Беларусь, Тожикистон каби давлатларнинг ҳўжалик-процессуал қонунчиликларида мавжуд.

Суд муҳокамасининг якуний босқичида тарафлар ўзларининг фикрларини ифодалай олиш ҳуқуқини қонун йўли билан кафолатлаш мақсадида ХПҚнинг 133-моддасига қўшимча ва ўзгариш киритиш мақсада мувофиқ.

ШУХРАТ МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

Суд музокарасида прокурор ўз фикрини баён қилишда қуйидагиларга эътибор бериши, жумладан:

1. Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигига;

2. Тарафлардан бири қонунларда ёки шартномада белгиланган мажбуриятни бажармаган ёки тўлиқ бажармаганлиги ҳолати исботланганлигига;

3. Ҳуқуқбузар (қарздор) томонидан етказилган зарарнинг мавжудлигига, агар мавжуд бўлса, зарар ва унинг аниқ миқдори ишдаги далиллар билан исботланганлигига;

4. Ҳуқуқбузарлик билан зарар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлигига;

5. Ҳуқуқбузарнинг айби мавжудлигига;

6. Қарздор томонидан шартнома интизомига риоя қилинмаслигининг сабаблари ва оқибатларига, ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига баҳо бериши ва бошқа ҳолатларга эътибор қаратиши мақсада мувофиқдир.

Суд процессида иштирок этувчиларга, айниқса, низолаштирилган тарафларга тушунари бўлиши учун прокурорнинг нутқи содда, оддий тилда ҳамда мантиқий кетма-кетликда ифодаланиши, нутқ фақат юристлар учунгина эмас, балки бошқа соҳа кишиларига ҳам тушунари бўлиши керак.

Қонунга мувофиқ бўлмаган суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлар)га апелляция, кассация ва назорат тартибда протест келтириш йўли билан ҳам прокурор ҳўжалик судларида ўз ваколатини таъминлаши мумкин.

Протест ишдаги мавжуд ҳужжатлар, далиллар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар билан асослантирилади ҳамда расмийлаштирилади.

Протестда айнан қайси моддий ёки процессуал қонун нормалари бузилганлиги аниқ ва равшан ифодаланади.

Бекор қилинган ёки ўзгартirilган асосида сўз қарорларининг қонунга мувофиқлаштирилишида прокурорларнинг ҳиссаси юқори. Буни қуйидаги рақамларда кўрсатилган. Хусусан, 2011 йилда апелляция инстанциясида бекор қилинган ёки ўзгартirilган суд қарорларининг 92,5 фоизи, кассация инстанциясида 73,9 фоизи, жорий йилнинг 6 ойида эса апелляция инстанциясида 94,2 фоизи, кассация инстанциясида 81,8 фоизи прокурорларнинг протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилган.

Умр савдоси

Ҳаёт инсон учун бир марта бериладиган энг азиз неъматлардан биридир. Шу боис, уни асло тўхтаб турмаслигини, ортга ҳам қайтариб бўлмаслигини унутмаслигимиз керак. Бу неъматни мазмунли, қўлға ибрат даражасида ўтказишнинг энг муҳим шартларидан бири умр йўлдош танлашда адашмаслик. Ҳар бир инсон ўзига ётиқлаш топилша шошма-шошарлик қилиб, хатога йўл қўйса, тоабал армонда ўтишини ҳаётининг ўзи кўрсатиб келмоқда.

Буюк бобокалонимиз Амир Темури оила масаласига катта эътибор қаратиб, айтган ушбу сўзлари бугун ҳам, бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди: "Ўғилларим, набираларим ва ақинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг қўйдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлиги, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим".

Дарҳақиқат, оилалари мустаҳкам бўлган юртнинг эртаси порлоқ бўлади. Ақсинча, оилага муносабати яхши бўлмаган юртнинг насли бузилади. Бундай элда эса келажак ҳам барбод бўлади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бугун ҳаётга энгил қараб, оиланинг муқаддаслигини унутган айрим ҳамюртларимизни кўриб, аттанг қиласан. Баъзан, жиноят сабаб яқун топаётган оилалар қисматлари юрагингга баттар орғиқ солади.

Зулхумор турмуш кураётганда Худойназарнинг аввал жиноят содир этиб, қамалиб чиққанини биларди. Бирок, "энди кўзи очилиб, тўғри йўлга қатгандир", деб умид қилди шекилли, умр риштасини бу йигит билан боғлади. Йил ўтмай ўғил фарзанд ҳам дунёга келди. Бир оила учун бундан ортқ бахт борми, дейишимиз мумкин. Лекин, Зулхумор оила қуришда, ёр танлашда адашган эди. Чунки, Худойназар муттасил спиртли ичимлик инчар, кай-фи тароқ қилиб, оиласидагилар билан жанжаллашишни одат қилганди. Ана шундай қунларнинг бирида... у отасини пичоқлаб қўйди...

Суд бўлди. Худойназар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. У суд мажлиси ақунда Зулхуморга:

— Мени кутма, мен қайтмайман. Энди бошинг очик, хохласанг эрга тегиб кетаверишнинг мумкин!.. — деди.

Шундоқ ҳам эри туфайли ҳаётининг зарбидан бошини кўтаролмай турган Зулхумор бу гапдан баттар эсанкираб, ўғлини бағрига босганча, зор-зор йиғлаб қолаверди.

"Вақт — ҳар қандай дардининг малҳами", деганлари тўғри экан. У бора-бора тақдирга тан берди, қўннинг маслаҳати-ю, ўз хохиши билан ҳамқишлоғи Райимжонга турмушга чиқди.

Шундан кейин Зулхуморнинг бахти бироз очилди. Чунки, кейинги турмуш ўртоғи Райимжон болажон, уйим-жойим, дейдиганлардан экан. Аёлнинг оиладан қўнгли хотирхам тортса, рўзгорининг оғирини энгил қилишга ҳаракат қилади. Зулхумор ҳам

шунга эришгандек эди. Бу орада яна бир фарзанд дунёга келгач, уларнинг ҳаётлари бундан-да қувноқ, осуда кечарди. Аёл ўтаётган турмушдан гоят мамнун эди. Яқинлари ҳам унинг ўзидан тинчиб кетганини кўриб, эркин нафас олишарди.

Аммо бу қувончли кунлар омонат экан. Худойназар муддатидан олдин қамокдан чиқиб келди-ю, уларнинг тинчи бўзилди. Хотинининг бошқа бировга турмушга чиқиб кетганини эшитган йигитнинг ичи қоралиғи тутди. У Зулхуморни, дам Райимжонни ошқора таъқиб этар, ўлдирши билан қўрқитиб, тинчликларини бузарди.

Ёз охирида, анча салқин тушиб қолган. Шундай кунларнинг бирида кундалик юмушларидан қарчаб, дастурхон тарофида йиғилган оила гоҳ у, гоҳ бу нарсани гапириб, кечки овқатни танаввул қилишарди. Шу пайт дарвозадан кимдир кириб келганини кўрган Райимжон ўрнидан турди. Унинг қаршисига пешвоз чиқиб, саломлашиш учун қўл чўзганди, қорнида пайдо бўлган оғриқдан букчайиб қолди. Аммо ўзини тутиб, қаддини ростлади. Фира-ширада қаршисидаги одам Худойназарлигини билгач, вазиятни тушунди. Пайпаслаб, қорнига санчилган пичоқни сугуриб олиб, оиласи бошига ёғилахак фалокатнинг олдини олиш учун қўчага қочди.

Кўзи қонга тўлган Худойназар Райимжоннинг ортидан югурди. Етиб олгач, дуч келган ерига яна пичоқ санчаверди. Охири жабранлувчи буткул кучини йўқотди. Дармони қуриб, ерга ётиб қолди.

"Дод-вой" солиб, қўшнларни ёрдамга қақираётган Зулхумор Худойназарнинг вазоҳат билан ортга қайтаётганини кўрди-ю, болаларини олиб, уй ичига қочди. Эшикни ичидан қулфлаб, бир четга беркинби олди.

Худойназар хотинидан қасдини ололмаганидан қони қайнар, эшикни тинмай тепар, бузиб қиришга ҳаракат қиларди.

Яхшиямки, ён-атрофдаги қўшнлар вақтида Райимжонни туман марказий шифохонасига олиб кетишди. Қолганлари эса Зулхуморга ёрдам беришди. Жиноий қилмишининг давом этиролмаган Худойназарнинг қочиб қолишдан бошқа чораси қолмади.

Хуқуқ-тартибот идоралари томонидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар туфайли уйига беркинби олган жиноятчи қўлга олинди. Шифокорларнинг сай-ҳаракатлари билан Райимжоннинг ҳаёти сақлаб қолинди. Худойназар яна бир бора панжара ортига йўл олди.

Уйламай ташланган қадам, жоҳиллиқни жиловлай олмаслик, ўзганинг ҳаётини, инсоний туйғуларини қадрламаслик ҳамиша ана шундай жазоланади.

Бу воқеа ҳар қандай киши-

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

ни уйга толдиради. Агар Райимжонга бир нима бўлганида, Зулхуморнинг қисмати бундан-да оғирлашган бўларди. Чунки, унинг яқинлари келинларини тинч қўйишмас, "сенинг қасрингга жигаримиз бу дунёни тарк этди", деган таъналар билан қўзини очирмасди. Аслида Зулхумор катта ҳаётга қадам ташлаган илк кунларидаёқ адашганди. Боиси, Худойназарнинг безорилигини, жиноятга қўл уриб, қамалиб чиққанини била турди, унга турмушга чиқди. Тўғри, жиноятчи ҳам одам. Лекин, у биринчи қилмишидан хулоса чиқариб, тўғри йўлни танламаса-чи? Яқинда бир таниш аёл тўй тараддуга тушиб қолди.

— Қизингизни қаерга узатяпсиз? — сўради қизикувчанлигимизни енголмай.

— Фалон қишлоққа! Қизим дугонасиникига тўйга бора-дига, бир йигит ёқтириб қолибди. Кетма-кет совчи юбраверганди, розилик беришдан бошқа иложимиз қолмади, — деди у.

— Ота-онаси, уруг-аймоғини суриштирдингизми? — сўради яна бир бесабр ҳамкасбим.

— Вой, ота-онаси рисоладагидек одамлар экан, кўрдик. Куёв ҳам хушўйи... Яна нимасини суриштира-сиз? Қизларни тезроқ узатиш керак, уруг-аймоғини суриштираман, десангиз, қизингиз уйда "ўтириб" қолади, ўргили...

Аёл "бир дунё бозорлик қилиш"ни айтиб, биз билан ҳайрлашди. Бу гапларнинг гувоҳи бўлганлар ортидан "Илоҳим, қизининг бахтини берсин", деб қолишди. Аммо, орадан икки ой ўтмай, ҳалиги боланинг "хунари борлиги" аён бўлди. Икки ҳафталик келинчакнинг оёз-қўзини қўқартириб, бир қўлини синдириб, ота уйига жўнатиб юборибди. Тўйдан олдинги мақтовларда куёв томонини эшитган баъзилар "Қизининг ўзида илати бор шекилли... Янги келинни ҳам шунчака урадимиз бўлма-са?" дейишди.

Аёл шўрлик бу ҳолат уч-тўрт марта такрорлангач, қизи келин бўлиб тушган маҳалла фуқаролар йиғини раисига бориб урабди. "Опа, куёвнинг оиласи ҳақида суриштирмабсиз-да? Ахир ёғиш қолиддан қўчган, бунақа югур-югур қилгандан кўра, тўйдан олдин бир оғиз биз билан маслаҳатлашганингизда, ўша йигитнинг аввал гиёҳханд моддалар савдоси билан шуғулланиб, қамалиб чиққанини, қимлар биландир мушлатиб, бошидан қаттиқ жароҳат олгач, баъзан ўзини бошқаролмайидан дардга йўлқичанини билиб олган, гўлдай қизингизнинг умрини хазон қилмаган бўлармидингиз..." дебди маҳалла оқсоқоли.

Ҳа, қўнчама маҳалла оқсоқоли ва фаолларига оливайи можаролар бошлангач, учраймиз. Аммо бу ташриф аввалроқ, икки ёшнинг бахти учун "нон ушатишга" қўнча қадар бўлса, нур устига нур бўлар, ажралишлар ва оливайи можароларнинг сони кескин қамайган бўлармиди?...

Шу йилнинг 5-9 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютасига оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва Молия вазирлиги вакиллари билан ташкил топган делегация Ҳиндистон Республикасининг Деҳли шаҳрида ўтказилган жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг навбатдаги 17- яли мажлисида ҳамма ишчи гуруҳлари йиғилишларида иштирок этди.

Евроосиё гуруҳининг ялпи мажлиси яқунлари

Зоҳид ХАТАМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаменти бўлим бошлиғи

Тадбирда Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар — Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ҳиндистон ва Хитой давлатларининг вакиллари ҳамда қузатувчи давлат ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикасида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот мазкур тадбир кун тартибига қўйилган асосий масалалардан бири бўлди. Шу билан бирга, кун тартибидagi Евроосиё гуруҳи раиси ўринбосарини сайлаш, Евроосиё гуруҳи Ижрочи қотиби сайлаш, Евроосиё гуруҳи бюджетининг ижроси билан боғлиқ ташкилий масалалар, Евроосиё гуруҳининг тадбирлари билан боғлиқ режалар, ялпи мажлисларни ўтказиш саналари ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлис давомида Евроосиё гуруҳи раиси ўринбосари лавозимига Ҳиндистон молия вазирлиги вакили жаноб Шактиканта Дас, Евроосиё гуруҳи ижрочи қотиби лавозимига шу пайтгача ижрочи қотиб лавозимини вақтинча бажарувчи Торопов Борис Васильевич сайланди.

Шунингдек, Евроосиё гуруҳининг бюджет масалалари бўйича эксперт гуруҳи тuzилиб, унга Ўзбекистон Республикаси номидан Молия вазирлиги ходими ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимларининг номзодлари тақдим этилди ва маъқулланди.

Ташкилий масалалардан яна бири — Ўзбекистон Республикасида 2015 йил май ойида Евроосиё гуруҳининг 22-яли мажлисини ўтказишга қелишиб олинди.

Шу билан бирга, навбатдаги — Ўзбекистон Республикасининг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш миллий тизимини Евроосиё гуруҳи томонидан иккинчи ўзаро баҳолаш тадбири қилинганга кўра 2016 йил апрель ойида ўтказиладиган бўлди. Ўзбекистоннинг Евроосиё гуруҳи раиси бўлиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонни биринчи ўзаро баҳолаш тадбири 2009 йил ноябрда ўтказилиб, 2010 йил июнь ойида тасдиқланган эди.

Маълумот учун айтиш лозимки, қучайтирилган мониторинг ҳолатидаги давлатлар ўз миллий тизимларида, яъни жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни ялпи мажлисларга ҳар ярим йилда, оддий мониторинг ҳолатидаги давлатлар эса 2 йиллик даврда тақдим этишлари кўзда тутилган.

Қучайтирилган мониторинг ҳолатидаги давлатлар томонидан қамчиликларни бартараф этиш ва миллий тизимни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича чоралар мунтазам равишда қўрилган тақдирда улар ФАТФ томонидан махсус рўйхатларга қиритилиб, уларга нисбатан иқтисодий-молиявий институтлар томонидан терроризмни молиялаштириш, жиноий даромадларни легаллаштиришга шариоит мавжуд давлатлар сифатида қаралиши ва улар билан ҳар қандай молиявий операциялар амалга оширилишида қўшимча текшириш чоралари қўрилиши белгиланган.

Ҳисобот муҳокамаси натижасига кўра, Ўзбекистон Республикасида тизимни ривожлантириш борасида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, яъни соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қамчиликларни бартараф этишга қаратилганиги таъкидланди. Ўзмон гуруҳига аъзолик ҳамда хорижий давлатлар молиявий разведка бўлинмалари ҳамда бошқа ваколатли идоралари билан халқаро ҳамкорлик, ФАТФ томонидан қабул қилинган янги стандартларни татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ижобий ҳолатини, Ўзбекистон Республикасининг оддий мониторинг ҳолатида қолдириб, навбатдаги ҳисоботни 2014 йил ноябрь ойида бўладиган ЕОГнинг 21-яли мажлисида тақдим қилиш белгиланган.

ЕОГ тадбирлари давомида ФАТФ томонидан янги қабул қилинган тавсияларни давлатлар томонидан татбиқ этишга бағишланган семинар ўтказилди.

Семинар давомида халқаро ташкилотлар ФАТФ, МВФ, Бутнаҳон банки томонидан миллий тизимларда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш учун шариоит яратувчи ва ҳавф солувчи ҳолатларни аниқлаш борасида ишлаб чиқилган методик қўлланмалар тақдим этилди.

Шу билан бирга, семинар давомида Қозоғистон Республикаси, Янги Зеландия, Украина ва Ҳиндистон давлатлари вакиллари ушбу соҳадаги тажрибаларини ҳавола этишди.

Евроосиё гуруҳининг навбатдаги 18-яли мажлисини 2013 йил май ойида Беларус Республикасида ўтказишга қелишиб олинди.

Мустаҳкам оила ижтимоий тараққиёт гарови

Оила — ижтимоий институт сифатида кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги, талаб ҳамда эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, ўзаро келишилган ҳолда тузилган ягона бўлган микроижтимоий тузилмадир. Оила қайси маданият вакиллари, қайси касб эгаларига мансуб эканлигидан қатъи назар, у мустаҳкам бўлса, бундан жамият манфаатдордир. Айнан оилада инсон ўз қадрини англайди, ҳаётнинг моҳияти, умр мазмунини, яшаш тарзини, эзгу хулқ намуналарини эгаллаб олади. Оила рекреацион функцияни бажариб, инсонни жисмоний ва психологик чарчоқларини чиқариш учун хизмат қилиб, ўз аъзоларини ҳимоя этади. Шу боис ёшларимизни оила ҳаётига тайёрлаш мустаҳкам оила гарови ҳисобланади. Боз устига Президентимиз Исроҳ Каримов томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган миллий сиёсатимизнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Бугунги ахборот хуружи, мафқуравий ва маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган бир даврда инсонни ҳимоялайдиган муҳим институт бу оила ҳисобланади. Оила бажарадиган функциялари бошқа бир институт бажара олмайди. Агарда, бугунги кунда жамиятда инсон манфаати муҳим эканлигини инобатга олсак, унинг ҳаётида оиланинг ўрни муҳим эканлиги яққол намоён бўлади.

Оила ва оилавий муносабатлар масалалари неча асрлардан буён буюк мутафаккирларимизнинг диққат-эътиборини ўзига тортган келган. Сабаби оила тарбияловчи, мақсадга йўналтирувчи, сафарбар этувчи, мослаштирувчи, ҳаммаслақ бўлувчи каби маънавий ва зифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда. Масалан, Ал-Аббос ал-Хоразмий оила бахтини, инсоннинг қадри-қимматини муҳаббатда қўриб, "Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир", деб таърифлаб, инсон ҳаётида ота-онага, Ватанга, фарзандга, оилага муҳаббат мавжуд бўлишини кўрсатиб ўтган. Бунда ал-Хоразмий оилавий ҳаётда пайдо бўлиши мумкин бўлган низо, ижтимоий қийинчиликларни енгиб ўтиш, чидамли бўлишни, агарда оила шунчаки хавас асосида, яъни муҳаббатсиз вужудга келган бўлса, бунда на эр ва на хотин бардод бермасдан ажралиб кетишларини кўрсатиб ўтган.

Абу Райҳон Берунийнинг қарашларида оила ва оила-

да бола шахси тарбияси, интеллектуал таълим, ахлоқий ва жисмоний тарбия, меҳнат ва инсонпарварлик тарбияси масалалари алоҳида ўрин эгаллаган. Беруний оилалар бузилишига кўпинча рашк сабаб бўлишини кўрсатиб: "Эй, қизим! Рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишнинг қалитидир. Эринга ҳадеб гина қилишларни ман қиламан, чунки у нафратни уйғотади. Яхшиси, сен ўзингга пардоз бергин. Агар саҳрога чиқар бўлсанг доимо ёнингда сув бўлсин... Ўз эрининг кўрганда, хушчақчақ бўлган вақтида сен ҳафалиқдан, у хафа бўлган вақтида сен хушчақчақликдан сақлан. Эрни синрини фожъага, акс ҳолда унинг олдида ўзингга камситган бўласан...", деб насиҳат қилади. У оилани сақлаб қолишда хотин шахсининг ўрни, у бажарадиган вазифалар ва оилада айнан хотинлик бурчини ижобий баҳаргандагина маънавий иқлим барқарорлиги таъминланишини кўрсатиб ўтган.

Оилавий барқарорлик оилада тарбия топаётган фарзандларга, яқин қариндошларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Абу Али ибн Сино "Китоб-ул-шифо" асарида оилаларнинг бузилиши сабабларини қуйидагича кўрсатиб ўтган:

- биринчидан: ўзаро эр-хотинликдан фарзанд бўлмаса;
- иккинчидан: хотин ўз эрига хиёнат қилса;
- учинчидан: хотин тарбиясиз бўлса;
- тўртинчидан: эр-хотин бир

бирларида ёқмайдиган қарама-қарши хусусиятларга эга бўлсалар.

Тадиқотчилар айнан ёшларнинг хижоатга қўл уришида оиладаги муҳит таъсирини кўрсатиб ўтиб, бунда объектив ва субъектив омилларнинг мавжудлигини таъкидлайди. Фарзандлар тарбиясида институционал ҳамкорлик, ижтимоий ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги профессор Х. Йўлдошев томонидан кўрсатиб ўтилган бўлиб, тадиқотчи қуйидаги уч хусусиятни белгилаб берган:

- институционал тузилиш;
- институционал вазифа;
- институционал ҳамкорликнинг мавжудлиги.

Бунда назарий жиҳатдан асосланган концепция асос қилиб олинган ва унинг таълим жараёнидаги амалий аҳамияти ифодаб берилган.

Ҳар бир оила ўз хусусиятларига эга бўлиб, этномаданий томонларни ўзида мутасаммаллаштиради. Ота-она миллати урф-одатлари, удумлари, анъаналарини бажариб, вояга етгаётган фарзандларга миллий хусусиятлар асосида тарбия беради. Фалсафа фанлари доктори М. Холматова қуйидаги фазилатларнинг айнан оилавий тарбия асосида шаклланишини таъкидлайди:

- инсонпарварлик;
- оилапарварлик;
- фарзандпарварлик.

Олима нотўлиқ оилалар ҳақида фикр юритиб, бу оилаларда маънавий-руҳий муҳит мураккаблиги ва уни соғломлаштириш қийинлигини қуйидагилар билан асослайди:

- она ва болаларнинг ёлғиз қолганликлари;
- ота ва болаларнинг ёлғиз қолганликлари;
- бошқа-бошқа никоҳлардан фарзандларнинг мавжудлиги.

Оилада соғлом маънавий муҳитнинг таъминланиши қўли ижтимоий тизимнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Бу оила аъзоларини ижтимоий-психологик хусусиятларининг мажмуаси сифатида ифодаланиши мумкин. Р. Самаров "Жамият ва Фуқаролик Кучлар Феминиза-

циялашуви" деб номланган монографиясида ёзишича, соғлом маънавий муҳит бевоқиф оила аъзоларининг, яъни эркак ва аёлларнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқдир. Негаки, "Аёллар табиатан бунёдкорлик, тежамкорлик, ташкилотчилик ва оилапарварлик каби хусусиятлари билан характерланади. Улар жамият ҳаётида шунчаки иштирокчи сифатида эмас, балки интеллектуал салоҳиятлари ва ўзларида мутасаммаллашган турли қобилиятларини тўлалигича намоён эта олиб, сиёсий бошқарувда, ижтимоий-сиёсий муносабатларда янада кўпроқ ижобий натижаларга эришишлари мумкинлигини амалда исботламоқдалар.

Аёллар эркаклардан психологик ва психофизиологик жиҳатлари билан ҳам ажралиб турадилар. Масалан, уларда қуйидаги хусусиятлар:

- ҳиссиётчанлик;
- таъсирчанлик;
- ҳатти-ҳаракатларининг кўпроқ юрак амрига бўйсунганлиги;
- ҳулқида сезги (инстинкт)нинг устуворлик қилиши;
- атрофдагилар ҳақида интуитив хулосалар чиқариш;
- кўпроқ очик характерга эгалик қўл намоён бўлиши мумкин.

Оила ўз аъзоларининг маънавий, жисмоний ва руҳий ҳолатлари барқарорлигини таъминлайди. Негаки, оиланинг психотерапевтик вазифаси алоҳида ажралиб туради. Шу сабабли бўлса кераки, В. Каримова "Оилаларимизда ҳар томонлама соғлом муҳит ҳукмрон экан, фарзандларимиз баркамол вояга етадилар, фуқаролари баркамол жамият эса ҳеч қачон заволят топмайди. Жамият таянчи соғлом оила бўлар экан, фарзандларини миллат даражасида тафаккур қилишга қодир бўлган бундай юрт барқарор тараққиёт йўлидан олишмайди, амалга ошираётган барча ислохотларимиз, албатта самара беради", деб ёзган.

Шу ўринда мамлакатимизда оилани ўрганишга бағишланган илмий-назарий ишлар бир неча йўналишлар бўйича олиб борилаётганини таъкидлаш лозим. Мазкур тадиқотлар ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, фарзандлар тарбиясида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсияларини ишлаб чиқиш, амалий — психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири Бош қонунимиз қабул қилинганининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Мана, йигирма йилларки, Конституциямиз юртимизда тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаб келмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, Конституциямиз осуда ҳаётимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаётимиз кўзгуси

Мухаммадҷон МАХМУДОВ,
Марғилон шаҳри

Ўтган йигирма йил мобайнида республика-мизда фуқароларни жамият қонун ва қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялашга ҳам эътибор кучайтирилди.

Марғилон шаҳар прокуратураси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 8-декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан урта махсус ўқув юртлари, маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда тузилган алоҳида жадал асосида ёшлар, кенг жамоатчилик билан учрашув, мулоқот, семинар ва суҳбатлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, кунчи кеча педагогика коллежи мажлислар залида "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзусида ташкил этилган семинарда шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ф. Мирзаев суҳбат ўтказган бўлса, 1-тиббий коллежида шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Бахтиёр Собиров "Бош қонунимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимиздаги, мамлакатимиз ривожидagi беқиёс ўрни ва аҳамияти" мавзусида маъруза қилди. Улар Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, унинг ижтимоий тараққиётимиздаги аҳамияти, жамият ҳаётидagi ижтимоий адолат принциплари, ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритдилар.

Тадбирларда ўқувчилар ўртасида ҳуқуқ масалаларига оид "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида қўриқ-танловлар ҳам ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбирда коллежларнинг ахборот-ресурс марказлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишлаб, "Конституциямиз — қафолашган кўзгуси", деб номланган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, Фармойишлар, Фармонлар ва қўлланмалардан иборат китоб жамланмалари кўргазмаси ташкил этилди.

Шунингдек, деворий газеталарнинг Конституциямизнинг 20 йиллик байрамига бағишланган махсус сонлари чиқарилди.



Саробга айланган орзу

"Шоша, 250 граммга кўкида 2 минг 200 ваъда қилдимми?! Ҳа, ёмон таклиф эмас. Ўйлаб кўрса бўлади. Агар шунга яраша "мол"ни ҳам арзонроғидан тополсам, анча-мунча ишлаб олар экманман. Энди ўша "матох"ни топиш учун у томонга ўтиб келишим керак. Ёки, Санжарга учрашиб кўрсаммикан? Бирга ҳарбий хизмат ўтаган пайтлариди шунақанги нарсаларга қизиқиб юрарман. Яқинда у билан бир тўйда учрашган эдим-а, нимага ўшанда бу ҳақда сўраб кўрмадим. Таваккал қилиб кўрсаммикан..."

Бир таниши билан учрашиб қолиб, ундан героинга ҳаридор топиб бериш ҳақидаги таклифни эшитган Қувондик Шарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг хаёли уйига келгунча, ана шундай фикрлар билан банд бўлди. Ўйлаб кўрса, ҳақиқатан ҳам яхши таклиф. Фақат биргина муаммоси бор. У ҳам бўлса, маблаг масаласи. Санжар героин топиб бергани билан, насияга рози бўлмаса керак. Пулни қаердан оласа экан?!

Ўйлай-ўйлай, охири йўлини топгандек бўлди. Эртасига ўша танишини топиб, героинни пулини олдиндан тўлашни сўради. Аммо таниши "мол"-нинг келгани аниқ бўлгандан кейингина пулни беришини айтди.

Шундай қилиб, Тожикистон қаердасан, дея йўлга тушган Қ.Шарипов, кўп ўтмай Санжарнинг уйига кириб келди. Салом-алиҳдан сўнг, Қ.Шарипов гапни қисқа қилиб, ташрифи сабабини айтиб берди.

— Шундан-шунга бизни қора тортиб келасиз-у, сизга ёрдам бермаслик уят бўлади. Қанча керак ўзи?

— Кўп эмас, 250 грамм атрофида.

— Гап бўлиши мумкин эмас. Пули нақдми?

— Албатта. Энди ўзингиз нархини қилиб бериш берасиз-да?! Айтмоқчи, ана бир илтимосим бор, иложи бўлса, "мол"ни Ўзбекистонга ўтказиб берсангиз.

— Бўлмаса мен танишлар билан гаплашиб кўрай, кейин сизга жавобини айтаман.

Кўп ўтмай уйга кириб келган мезбон, "мол"ни топганини, нархи 250 грамм учун бир минг 200 АҚШ доллари бўлишини, Ўзбекистонга олиб бориб бериш ҳақи ҳам шунинг ичига эканлигини айтиб, уни хурсанд қилди. Бу гапдан мамнун бўлган Қ.Шарипов ўша заҳоти уйига қайтди. Тезда ҳаридор таниши билан учрашиб, "мол"ни тайёрлаб қўйганини айтиб, пулни сўраган эди, у 2 минг АҚШ долларини бериб, қолганини "мол"ни олгандан кейин беришини маълум қилди. Қ.Шарипов бу шартга қўниб, ундан пулни олди-да, Санжарга кўнгирак қилди. Сўнгга унинг гапи билан Ўзбекистон ва Тожикистон



чегарасига йўл олди. "Мол"-ни олган, ҳаридорнинг пулидан келишлгандек, бир минг 200 долларини унга санаб берди-да, хурсанд ҳолда ортга қайтди. Бўлмасам-чи, ахир арзимасган вақтда 1000 доллар ишлаб олади-ю, қувонмай бўладими?!

Мижоз билан учрашгач, "мол"ни унинг қўлига тутқазиб, пулнинг қолганини сўраган эди, мижоз героинни сотгандан кейин беришини айтди. У рози бўлиб, уйига қайтди. Аммо пулни ололмади. Бир неча кундан кейин унинг уйини суриштириб борганди, қўлга олинганини эшитди-ю, жудатки ростилади.

Орадан тўрт-беш ойча муддат ўтгандан кейин ана бир мижоз пайдо бўлди. Буниси аввалгисига қараганда тантироқ бўлиб, нақд бир килограмм героин сўради-да, 20 минг долларга сотиб олишга рози эканлиги, шундан 15 мингини унга беришини айт-

ган эди, Қ.Шариповнинг кўзи чакнаб кетди. Дарҳол рози бўлиб, ана Тожикистонга йўл олди. Бу сафар Санжар бир килограмм героинга 7 минг, Ўзбекистонга ўтказиб бериш учун эса ана минг доллар сўради.

Уйига қайтган Қ.Шарипов мижозни топиб, пулни сўраган эди, у героинни олган, пулни беришини айтди. Қ.Шарипов ночор ана Тожикистонга йўл олди. Санжарга вазиятни тушунтириб, героинни сотгандан кейин пулни келтириб беришни ваъда қилган эди, у кўнмади. Бироқ, агар кимнидир гаров тариқасида қолдирса, "мол"ни бериб юборишини билдирди.

Қ.Шарипов уйига қайтгач, дарҳол ўғлини Тожикистонга, Санжарнинг уйига гаров сифатида жўнатди-да, ўзи мижозга кўнгирак қилиб, уни қақирди. У келгач, героин йўлда келаётганини айтиб, Санжар тутган усулни қўллади. Яъни,

Мурод ХОЛМАТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим прокурори

гап орасида пулни тўлиқ олиб келмагунча, уйда гаровда сақланишини кистириб ўтди. Буни эшитган мижоз ҳайрон бўлиб, қаршилик кўрсатган эди, унинг синглиси гапга аралашди-да, ўзи гаров сифатида қолишни билдирди. Ака ноилоҳ синглисини қолдириб, ўзи орқасига қайтди.

Бу орада Қ.Шариповга героин келгани ҳақида хабар беришди. У ярим кечада айтилган жойга бориб, сумкага солинган пиёз орасига жойланган героинни олиб келди. Сўнгга, буханка наонларнинг орасини ёриб, героинни жойлаштирди. Ортиб қолганини хотинига бериб, яшириб қўйишни тайинлади. Эртаси куни "мол"ни ҳаридорга етказиш мақсадида йўлга чиққанида, тезкор ходимлар томонидан тўхтатилди...

Унинг уйи тинтувдан ўтказилганда, буханка наонлар орасига сигмай, хонадон бекаси томонидан хожатхонага ташлаб юборилган героин ҳам топилиб ва ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Шундай қилиб, "аср вабоси" номини олган оғу олди-сортдиси билан шугулланиш орқали мўмай даромад ортиришни ўйлаган оғуфурларнинг орзуси саробга айланди ва улар суд томонидан тегишли жазога тортилдилар.

Сохта «овчи»нинг қилмиши

Республикамизда ўқотар қуроллар жиддий назоратга олинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бонси, бундай ашёлар ҳалқимиз тинчлигига раҳна қилиш билан бирга, жиноятларда муҳим восита бўлиш эҳтимоли кучли. Фикримизнинг исботи учун Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида содир этилган бир воқеани қозоғга тушириб, эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз

Эндигина йигирма ёшни қаршилаган шерободлик Илёс Қудратовнинг қўлига "ИжК" русумли ов қуроли тушиб қолди-ю, у ўзини худди ҳинд бадийий фильмидаги қирқ қароқчининг тўдабошини Абу Ҳасандек ҳис қила бошлади. Ҳайратланархис, И.Қудратов қуролни ва унинг ясама ўқларини ҳеч қандай рухсатномасиз, яширин равишда ўзида сақлаб келган. Шунингдек, бу қурол вилоят ИИБнинг ахборот марказида мавжуд бўлган "ИБД-Ўзбекистон" математик мажмуасида ҳам ҳисобда турмаганлиги тергов жараёнида аниқланган. Шеробод туманининг "Вандоб" маҳалласи ахли ҳам бундай қурол билан юрган кимсга бефарқ бўлганлар. Ёки, қуролини ўйинчоқ билиб олиб юрган йигитчани бир бора бўлса ҳам огоҳлантириб қўйишни ўзларига эп билишмаган?

2012 йилнинг 8 апрель куни И.Қудратов уйдан чиқиб, қуролни яшириб қўйган Қўхитанг тоғ тизмасидаги сой бўйига бориб, уни олди-да, майкаси билан юзини тўсиб, гўё қароқчи қиёфасига кирди. "Тоғни талқон қиламан" деса кучи етадиган йигитча, афсуски, қора ният билан "ўлжасини" кута бошлади. Узоқдан кўринган уч киши унинг эътиборини тортиди. Айниқса, уларнинг қўлларидидаги уяли телефонлар И.Қудратовга босқинчилик йўлига кириши учун ана бир турт-

ки бўлди. Тоғга баҳор ҳавосидан нафас олиб, айлангани чиққан йигитлар С.Исоқов, Д.Рустамов, Ж.Сатторовлар рўпараларида юзига никоб тақиб олган кимсанинг турганини кўриб, жойларида қотиб қолишди.

— Қани, олифталар, жоним омон қолсин, десаларинг, телефонларингни менга ташлаб кетасанлар, — деди у, қўлида милитигини ўйнатганча.

Қилаётган ҳаракати инсон ҳаёти учун хавфли эканлигини, бу иш жиноят ҳисобланиб, жазо тайинланишини билмасмиди? Афсуски, буну у яхши англади, бироқ...

Телефонларидан осонгина воз кечишни истамасдан учовлон қаршилик кўрсата бошлашди.

— Сенлар менинг овимни буздиларинг, — сохта овчи ўдағайлар экан, кейин "Бермасаларинг, сенларни ўлдираман", — деди-да, сўзининг исботи сифатида ерга қарата ўқ узди. Вазият жиддийлигини кўрган йигитлар телефонларини унинг қўлига тутқазилганларидан кейин И.Қудратов воқеа жойидан қўйиб бўлди.

Қилмишидан заррача виждони қийналмаган бу кимса, шу куни уйига бормай, қир-адирлар бўйлаб сандироклаш бошлади.

Бир маҳал узоқдан йигит-қизларнинг овозини эшитиб қолди-ю, "ўлжа"ни қочириб юбормаслик учун, дарҳол дарахт панасига яширинди. Бу ерда қуроллан-

ган кимса борлигини хаёлларига ҳам келтирмаган Г.Каримова, К.Қурбонова, О.Холматова, О.Муҳаммадиев ва Н.Эгамбердиевлар ўзаро гаплашиб, "овчи" яширинган жойга етиб келишди. Уларга қурол билан пешвоз чиққан И.Қудратов бу ерда ҳам аввалги сценарийсини такрорлади. Мулкларидан айрилгилари келмаган йигит-қизларни қўрқитиб, қуролидан тепага қарата, ўқ узди. Қўлоқлари тағида гўмбурлаган овоздан қизлар қўрқиб, қочишга тушишди. "Тўхта, бўлмаса отиб ўлдираман", — дея уларни ана қўрқитар экан, қилаётган иши ўзига таъсир қилиб, баттар ҳаволаниб бораверди. Ҳайриятки, жабранувчилар тезда тегишли идорага хабар беришди. Йўқса, ким билсин, бу ўйиннинг натижаси нима билан тугар эди?

Тезкор суриштирув ва қидирувлар натижасида "овчи" ашёвий далил — "LG" уяли телефони билан қўлга олиниди. Ноқонуний ўқотар қурол сақлаб, у билан босқинчилик жиноятини содир этган И.Қудратов суд ҳукми билан жиноят кодексининг бир неча моддаларига биноан айби деб топилди ва 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Халқимизда "Ёмоннинг бир қилиғи ортик", деган нақл бор. Ўзининг ёмон қилиғи билан энди И.Қудратов ёшгина умрининг маълум бир қисмини панжара ортида ўтказишга мажбур.

Ўрол СУВОНОВ,
Шеробод туман прокурорининг
катта ёрдамчиси
Қамолитдин АСКАРОВ,
Huquq

Якка тартибдаги тадбиркор Н.Отабеков Тошкент вилояти Зангиота тумани "Чигагой оқтепа" МЧЖга тегишли савдо комплексида чакана савдои йўлга қўйиб, бийойнак фаолият юритиб келаётган юрдашларимиздан бири эди.

Тадбиркорнинг ноқонуний «тадбири»

Ё.МИРСАЛИХОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

Уни нафс йўлдан тойдирдимми ёки бошқа нарсга сабаб бўлдими, ҳуллас, у даромадини янада кўпайтириш мақсадида, қонунчи четлаган ҳолда "ҳаракат" бошлаб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилган ҳужжатли текширувда унинг ноқонуний "тадбирлари" дош бўлиб қолди. Яъни, Н.Отабековнинг 2010 йилдаги фаолияти давомида банкка топширган нақд пул маблағлари НКМ хотирасига киритилган суммалар билан солиштирилганда, 85 304,7 минг сўм фарқ аниқланди. Аниқроғи, ушбу сумма банк муассасасига тегишли тартибда топширилмаган. Шунингдек, у жами 125.532,5 минг сўм миқдордаги товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб, тушумларни банкдан яширган.

Бундан ташқари, Н.Отабеков 2006-2010 йиллардаги фаолияти давомида 210.837.200 сўм миқдордаги тушумини яширганлиги ҳам маълум бўлди. Айбдорга суд ҳукми асосида тегишли жазо тайинланди. Бундан ташқари даввогар — Чилонзор тумани ДСИ Тошкент шаҳар ҳўхўлик судига давво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар, яъни якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан Солик кодексининг 114-моддаси асосида, 2.895.136.200 сўм миқдорда молиявий жарима қўллашни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ давво қаноатлангилди.

Никобли куёвтўра



Баъзида, халқимиз орасида куёвни ёв, дейишди. Бу гап Самарқанд туманининг Қўшамғали маҳалласида яшовчи Қамар ақанинг куёви Шералига ўхшаш кимсаларга айтилган бўлса керак. Куёв тўра бу оилга тез-тез келиб турар, вақтинча қайнотасиникида яшаб, ишлаб кетарди. Шу сабабли уларнинг қариндошларини яхши биларди.

Шерали иш билан Ургут туманидаги бозорга борганида эски таниши Фармонни учратиб қолади.

— Юр, анави ошхоналардан бирига кирайлик, гаплашиб оламиз, — деди Фармон салом-алиқдан сўнг.

Улар яқин атрофдаги ошхонага киришди.

— Менга шу кунларда кўп пул керак. Иложи бўлса, бир қўллаб юбор, — деди, Шерали пули йўқлигини айтиб.

— Бўлмаса, бир "соққали" режа бор, — деб, уни қизиқтирди Фармон.

— Қанақа режа экан? — қизикди Шерали.

— Сен биронта пули кўпроқ

одамни биласанми?

Шералининг ҳаёлига дарров ўзига анча тўқ бўлган қайнотасининг укаси Комил келди. Чунки, унинг савдо дўкони борлигини, пули кўплигини яхши биларди. Фармонга бу "объект" маъқул тушиб, дарҳол унинг уйига кириб, пулларини ўғрилашни таклиф қилди. Аммо Шерали бундай қилолмаслигини, сабаби у оилга куёвлигини, таниб қолишса оқибати ёмон бўлишини айтди.

— Э-э, сен буни ўйлама. Юзимизга никоб кийиб олсак, ҳеч ким танимайди, — деди Фармон. — Уч-тўрт киши бўлиб борамиз. Олган пулни ҳам тенг тақсимлаймиз.

Ўзича хомчўт қилиб, қанча пул тегишини ҳисоблаган Шерали таклифга рози бўлди. Фармон уни бир неча кундан сўнг уйига қақиритишни айтиб, хайрлашди.

Ёдгор Оқдарё туманида яшайди. У бундан бир неча йил аввал Россия Федерациясига бориб ишлаб юрганида Фармон ва унинг амакиваччаси Шерхон билан танишиб қолишган. Яна Россияга кетиш ниятида Самарқанд вокзалига келган Ёдгор чипта ололмади. Тарвузи қўлтиғидан тушган Ёдгорнинг ёдига Фармон тушиб қолди. Дарҳол телефон рақамларини терди. У суҳбат чоғида Россияга ишлагани кетмоқчи бўлиб, кетолмаганини айтди. Ўзига ишончи шерик қидираётган тўдабоши учун бу кўнгирак айтиш мумкин бўлган.

— Россияда нима қилсан? Меникига кел, яхшигина иш бор, — деди Фармон.

Ёдгор вақтини ўтказмай, Фармоннинг уйи томон йўл олди. Босқинчилик режалаштирилаётган хонадонга бирин-кетин уй соҳибининг чақирғига биноан Шерали, амакиваччаси Шерхон ва куёви Самариддинлар кириб келишди. Барча жам бўлгач, Фармон йигилганларнинг ҳар бирига хизмат вазифаларини бўлиб берди. Унга биноан, Самариддин ўзининг "Жигули" машинасида уларни Ко-

Файзулла ЭГАМКУЛОВ,
Самарқанд туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

милнинг уйига олиб бориб, ўзи эса машинада кутиб турадиган бўлди. Қолганлар уйга бостириб кириб, бойликларни олиб чиқишлари ва машинада қочиб қолишлари керак эди.

Тун қоронғусида машинани белгиланган жойга қўйган босқинчилар Комилнинг уйи яқинига келишди. Қарашса, хонадоннинг чироқлари ёниқ.

— Бориб, вазиятни ўрганиб келаман, — деди Фармон.

У уйнинг савдога мўлжалланган хона деразаси ёнига бориб, ичкарига қаради. Бир аёл ва бола анчагина пулни санаб ўтиришди. Фармон пул узатиб, сигарета олмоқчи бўлганида, хонадон соҳибаси Нигора опа дўкон ёпилгани, савдо қилмаслигини айтди. Шериклари ёнига қайтган Фармон, уй эгаси пулларни санаб ўтирганини айтгач, юзларига никоб таққан босқинчилар ишга киришди.

Қўлларида пичоқ билан, қора кийимда эшикдан кириб келган одамларни кўрган Нигора опа чинқириб юборди. Ўғли Феруз эса нима бўлаётганини англагач, уларга қаршилик кўрсата бошлади. Бирок, улар кўнчилик эди.

Шерхон дарҳол аёлнинг оғзини беркитиб, қўлидаги пичоқни унинг бўйнига тиради. Ёдгор ҳам Ферузни уриб-тепиб, ерга ётқизди. Бу пайтда Фармон уй тўридаги матони ёзиб, унга пулларни сола бошлади. Шерхоннинг қўлидан чиқишга улгурган Нигора опа Фармоннинг қўлига ёпишган эди, пулнинг бир қисми сочилиб кетди. Қолган пулларни олган Фармон, шерикларига тезда уйни тарқ этишни буюрди. Ўзларини ташқарига урган босқинчилар, уйдан узоқлашгач, юзларидаги никобни ечишганда, уларнинг олдида чинқиб қолган Ферузнинг ўртоқлари Шерзод ва Шавкат Шералини таниб қолишди.

— Ҳа, тинчликми, қаёққа чопиб кетаясизлар? — сўради йигитлар.

— Ўртоқларим билан айланиб юргандик. Милиция сезиб қолиб, оптимиздан қувапти, — деди Шерали олазарак бўлиб.

Босқинчилар йўловчи машинада Ургут тумани ҳудудига етиб олишди. Хавфсизроқ жойга бориб, олиб келинган пулларни иш бости-бости бўлгандан кейин тақсимлаб олишга келишди. Лекин, харом йўл билан топишган пуллар уларга буюрмади. ИИБ ходимлари шу куннинг ўзидаёқ босқинчиларни қўлга олдилар.

Босқинчилик йўли билан Нигора Юлдошевнинг хонадонидан 2 млн. 700 минг сўм пул ва нархи 110 минг сўмлик бўлган 10 метрлик матони олиб кетган босқинчилар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Ўзингдан чиққан балого...

"Ўзимдан чиққан балого, қайга борай лавога", дейди уятдан бошини кўтаролмай қолган Сожида опа. Ахир, қизи Нигина (исм-фамилиялар ўзгартирилган) куёви билан "ўғри" деган ном орттириб, жиний жавобгарликка тортилганда! Она қизининг бу "ҳунар"идан ўз отаси оламида муҳкам. Гарчи, отаси алаҳвачон неварасининг ғуноҳидан ўтган бўлса-да, барибир Сожида опа уни ҳар кўрганда ўзини қойиб, кечирим сўрашдан чарчамайди.

Эри Ботирнинг гали Нигина учун қонун эди. Ботир уни шу қадар ўзига тобе қилиб олган эдики, сўзсиз итоаткорга айланганди. Нигинанинг қариндошлари хўшмуомала, сермулозамат куёвнинг асл башараси қанақа эканлигини тасаввур ҳам қилишолмасди. Бахтга қарши у Нигинани ўз қилмишига шерик қилиб улгурганди.

Уша кунни эрининг кистови билан Нигина онасини қайнонасининг туғилган кунига таклиф қилиб, албатта келишини қаттиқ тайинлади. Аслида қудаси-ю куёвининг ҳурмати учун ҳам Сожида опанинг аслида келиш нияти бор эди. Онасининг синглисини ҳам бирига олиб келгани Нигина ва Ботирнинг режаларини амалга оширишлари учун айтиш мумкин бўлди. Нигина эрининг ишораси билан онасининг илгакда турган пальтосини ичкари хонага олиб кириб, чўнтагидан қалитларни яширинча олгач, эрига маъноли қаради. Ботир қайнонаси ва қайнотасининг гали билан чалғитиб, вақтдан "ютиши" керак эди. Фурсатдан фойдаланган Нигина онасиникига югурди. Уйни қалитлар ёрдамида очиб, у ердан бобосининг дўкони ва сейфи қалитларини олди.

Сожида опа уйи яқинида жойлашган отасининг дўконида савдо қиларди. Отаси барча савдо пуллари-ю тошган-тутганини шу дўкондаги сейфда сақларди. Ботир ана шу ка-

литларни қўлга киритиб, сейфдан пул ўғирлашга Нигинани мажбур қилганди.

Дўконга келган Нигина ён атрофга алаңлаб қаради-да, қалит билан эшикни очиб, ичкарига кирди. Сейфда катта миқдорда пуллар бор экан. Уларни бир пакетга солиб, сейф ва дўконни қўлфлаб, ортига қайтди. Ботир унга олдиндан машинасининг қалитини бериб, пулларни машина салонига яширишни тайинлади. Нигина унинг айтганларини бажаргач, уйига келиб, эрига режа амалга ошди, дея имлади. Меҳмондорчилик кечгача давом этди.

Эрта билан дўконга келган Сожида опа у ёқ, бу ёқни йиғиштирди. Озроқ савдо ҳам қилди. Бу орада кенжа қизи, унинг ортидан отаси қайиб келишди.

Ўз иш хонасига кирган отаси зум ўтмай қайтиб чиқди.



— Сожида, сейфдан пулларни олдингми?

— Йўқ, мен у ерга кирганим йўқ, — ажабланди Сожида опа. — Кеча санаб турган эдингиз-ку?!

— Қизингдан сўра-чи?

Кенжа қиз ҳам пулни олмаганини айтгач, ён-атрофга разм солдилар.

— Агар ўғри қирган бўлса, бирор жойни синдирарди, товарлар сочилиб ётарди. Бирор из йўқ-ку! Эшикни ўзим қўлфлаб, ўзим очган бўлсам... — Сожида опа ҳайратдан ёқа ушлаганча, ўзига ўзи гапира бошлади.

Шубҳа-ғумонлар билан бир кун ўтди. Сожида опа отаси ҳудуди ўндан кўраётгандек, ўзини ёмон ҳис этиб бир қарорга келди.

— Милицияга хабар берамиз!

Милиция ходимлари суриштирувни бошлашганини эшитган Нигинанинг юрагига ғулғула тушди. Ахир, 15 минг АҚШ доллари ва яна 3 ярим млн. сўмни ўмариб, тинч юра олармиди. Ботир бўлса ўғрилиқнинг эртасигаёқ бозорга тушиб, пулларни "майдалади"да, ишни шайхларга аёллар муруват уйига хайрия қилишдан бошлади. Пулларнинг бир қисмига муруват уйи-

Отабек ТОШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Бўҳоро шаҳар
суди раиси
Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

да ҳудойи ўтказиб, видеога олдиришни ҳам унутмади. Қолган пулларни эса ўзининг эҳтиёжи учун сарфлади. Уйга келиб хотинига хайру эҳсон қилгани, ҳатто ёлғондан болалар муруват уйи учун олти дона телевизор ҳам олиб бергани ҳақида оғзини тўлдириб гапириб берди. Нигина эрининг саховатпешалигидан сарҳуш эди.

Кундан-кунга текширувлар авж олганини эшитган Ботир хотинини олиб, Россияга отланди.

— Тўрт-беш кунда тинчийди. Биз у магазинга кам борардик. Шунинг учун биздан ҳеч ким ғумонсирармайдди. Бироз айланиб, қайтиб келасан.

Нигина хомиладор ҳолида эри билан машинада Россияга кетди. Бирок, уч кунда орқасига қайтди. Ботир ҳам у ерда узоқ қолилмади. Уйига ҳар кўнгирак қилганида Нигинанинг ваҳимага тушиб бораётганини эшитиб, у ҳам қайтиб келди. Бу пайтда Нигина қилмишининг оқибатини англаб етган, ўзини кўярга жой тополмай қолганди. Ботир муқаддам икки маротаба ўғрилиқ ва фирибгарлик жиноятлари учун судланиб, тегишли жазога тортилган, бу жинояти учун уни нима кутаётганини, ўзи айбини тан олса, бироз енгиллик бўлишини биларди. Шунинг учун Ички ишлар бўлимига бориб, айбини бўйинга олди.

Суд Ботир Бобоевни 4 йилга озодликдан маҳрум қилди. Нигина Бобоевага эса уч йил синов муддати белгиланди.

Хатарли йўл

Йўлга отланган кишига сафари беҳатар бўлишини тилаймиз. Аммо кимнинг қандай мақсада йўлга чиқишию, йўлда эса уни қандай воқеалар кутишини ҳеч ким билмайди.

Шухрат АКБАРОВ,
Юнусобод туман прокурори
Гули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»



Одатдаги кунларнинг бирида соғломлаштириш марказининг ходимлари Гулноза Самирова билан Аида Руфатовалар (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишга янги келган ҳамкасблари Саида билан Дилнозани мўмай даромад топишга жалб қилишиб, уларнинг фикру хаёллари буюшиди. Гулноза соғломлаштириш марказида эндигина иш бошлаган Саидага ўз "маслаҳати"ни аямасди.

— Саидочка, ну, биласанми, марказдаги ойлик билан тўқсиз ҳаёт кечира олмайсан. Сенга ўхшаган яхши масажисткаларга чет элларда бир неча минглаб долларда маош тўлашади. Ҳали ёшсан, кучинг борида чет элда пул ишлаб келсан бўлади.

— Опа, чет элларда танишим йўқ. Хорижда ким мени ишга жойлайди? Қолаверса, у ерга бориш учун пулим ҳам йўқ.

— Майли десанг, сенга ўзим ёрдам бераман. Туркияда Зарина бу Озода опа деган танишларим бор. У ерда уларнинг бир неча соғломлаштириш марказлари ва меҳмонхоналари фаолият кўрсатади. Маошлари кўп! Уларга сенга ўхшаган специалист-массажистлар ва ҳамшира қизлар керак.

— Йўлқирам-чи?

— Сенга айтдим-ку, йўлқирамга қарз бераман. Туркияда ишлаб, кўнглини жўнатарсан. Келишдикми?

— Майли-ку, аммо бир ўзим қандай кетаман. Шеригим бўлганида яхши бўларди.

— Бу томонини ҳам ўйлаб қўйганман. Дугонанг Дилнозани ҳам қўндиришмоқчиман. У ҳам сенга ўхшаган "йўлқирага пулим йўқ" деди. Унга Аида опанг қарз бериб турадиган бўлди.

Саида Гулноза опанинг таклифидан ҳаяжонланиб кетгани учун уни турли саволларга кўмиб ташлади.

— Документлар-чи? Виза дегандек...

— Сингилжон, бу ишларни ҳам ўз бўйинига оламан. Ахир ҳар бир одамга поддержка керак-ку...

— Қилган яхшиликларингизни қандай қайтарсам экан?

— Айтганларимни қилсанг бўлди...

Гулнозанинг тўрига тушган Саида бу сўхбатдан орзулар оғушида маст бўлди.

Бир томонда Аида ҳам Дилнозага ёлгон кўнглидан бериб, уни Туркияда ишлаб келишга қўндиради.

— ...Дилчекка, ҳеч қийналмасдан ишлаб келасан, шеригинг Гулноза ҳам сен билан кетишга розилик берди.

— Аида опа, тушунинг ёш болам бор. Ўзим боролмайман-ку, ўрнимга сингилмени жўнатасан бўладими?

— Жуда яхши фикр. Синглинг ишисими?

— Тиббиёт коллежини таомлаганига деярли бир йил

бўлди. Дурустроқ ишга киргани йўқ ҳали.

— Сингилга айт, хозирлигини кўриб, тайёрланиб турсин. Майли, сингилгини жўнатамиз...

Шундай қилиб, соғломлаштириш марказида энди иш бошлаган икки нафар янги ходималар Гулноза билан Аиданинг ўлжасига айланган эди. Қизларни Туркияга жўнатиш учун шошилиш равишда тайёргарлик кўрилди.

Аида дарҳол Фарҳод деган таниши билан кўнглироқлашиб, "ўлжа"ларини манзилга етказиш учун ёрдам сўради. Сўнг у қизларнинг паспортларини олиб, уларни Қозғистон Республикаси орқали Туркия давлатига чиқариб юбориш режасини тузади.

Нихоят, 2011 йилнинг 22 декабри кун тахминан соат 9.00 ларда Аида аввал Дилнозанинг сингилси Дилфузага, кейин эса Саидага кўнглироқ қилиб, уларга "Қоплонбек" чегара постига зудлик билан келишларини тайинлайди. Унинг кўнглироғидан сўнг Саида билан Дилфуза чегара постига келишиб, бу ерда жойлашган хонадонлардан бирида бир кеча тунаб қолишади. Тонг отишига яқин Фарҳод қизларни айланма йўллар билан Чимкент шаҳрига олиб боради. Йўл-йўлакай Фарҳод қизларни чалғитиш мақсадида турли мавзулардан сўз очиб, уларни Чимкент аэропортига олиб келади. Аэропортида уларнинг қўлига тайёр йўл чиптасини ва фуқаролик паспортларини топширади.

— Қизлар, мана аэропортига ҳам етиб келдик. Туркия аэропортида сизларни Зарина опа кутиб олади. У кишининг айтганини қиласизлар. Тагин у опа менга сизлардан шикоят қилиб юрмасин.

— Фарҳод ака, негадир кўнглим гаш,— деди Саида хавотирли оҳангда.

— Кўнглим гаш деб, шунча одамни оввора қилмоқчимсан? Сизларга қанча ҳаражат қилганимизни биласанми? Ўзларинг бир тийин ҳам сарфлаганинг йўқ-ку,— деди дўқ қилиб Фарҳод.

— Йўқ, сиз мени нотўғри тушундингиз. Қўрқув босиб турибди, холос. Ахир бегона юртга ва нотаниш одамларнинг олдида кетаётганим учун ваҳимага тушаялман, шекилли.

— Тинчлан, ҳар қалай бир ўзинг эмассан. Шеригинг бор. У томондагилар ҳам бизга бегона эмас. Аэропортида ҳам сени ўзимизникилар кутиб олади. Кўнглини тўқ қил, иккиланма. У ёққа етиб олгач, қарзларингни ҳам жўнатишини унутманглар...

Бу каби ишлар билан шуғулланишда устаси фаранг бўлиб кетган Фарҳод ўз "ўлжалари" билан имкон қадар хушмуомала бўлиб, осонгина уларнинг ишончига кириб олар эди.

Қизлар бир неча соатдан сўнг Туркияга учиб келишди. Уларни бу ерда тахминан 40-45 ёшли аёл, яъни Зарина билан бирга бир нотаниш киши ҳам кутиб олди. Шу кун уларни "Барон" меҳмонхонасига олиб келишади. Саломалиқдан сўнг Зарина қизларнинг паспортини рўйхатга қўйиб баҳонасида олиб, қўпол муомаласи билан уларни жеркиб ҳам ташлайди.

— Касоткаларни, юқори этажга жойланглар. Эртага миждларимизга кўрсатамиз...— деди Зарина ёнида юрган ёрдамчисига.

Мўмай пул илинжида, ўз касблари бўйича ишлагани келган қизлар жавдиратганча бир-бирига қараб қолишди. Дилфуза ёш бўлгани боис ҳали кўп нарсага унча эътибор бермасди. Аммо, Саида ниманидир сезгандек бўлди. У, гўё ўзини зиндонга маҳкум этилган асирлардек ҳис қила бошлади.

Тонг отиши билан меҳмонхонанинг баъзи хоналаридан беҳаё кийинган қизлар нонушта чикиб келишарди. Зарина ўша қизлар билан Дилфуза ва Саидани ҳам катта хонага тўплади.

— Девоқчоҳонлар, мана бу иккала қиз новенкийларимиз. Танишинглар. Улар Тошкентдан кечагина учиб келишган. Бирга ишлайсизлар. Бундан буён, айтганимни қилсаларинг маошларингни ўз вақтида оласизлар. Бугундан бошлаб миждларни сизларга ўзим тақсимлайман! Тушундиларингми?

— Тушунарли, опажа!— деди беҳаё кийинган қизлардан бири.

Зарина янги келган қизларга қараб, қошини чимириб уларга гап қотди:

— Мана бу қизлар кийган кийимдан кийишларинг шарт. Бу сизлар учун иш формаси. Клиентларимиз баданларингга қараб хизмат ҳақини беришади. Ўтирозга ўрин йўқ...

Дилфуза бу ҳолатни кўриб кўзига ёш олди. Саида эса индамасдан туролмади.

— Биз бундай беҳаё кийим киймаймиз. Ўзи нима иш қиламиз? Билсак бўладими?

— Вой-бўй, аҳмоқмисан, ёки шунчалик ўзингни содда қилиб кўрсатмоқчимисан? Бойвачча эркакларнинг кўнглини олмасизлар. Энди тушунгандирсан?— деди, Зарина.

— Бизга Тошкентда бундай дейишмаган. Массажист ёки физиотерапевтик муолажалар қиласизлар деб айтишган-ку.

Зарина Саиданинг гапларидан бор овози билан ёқимсиз қилиб, гапини давом эттирди:

— У Тошкент, бу эса — Туркия. Бу ерда менинг айтганим бўлади. Ахир, сенларга 1500 "қўқи"дан тўланганман. Ҳар биринг менга 8000 АҚШ долларидан ишлаб беришларинг шартлигидан хабаринг борми? Қарзларингни узиб, кейин тўрт томонга кетавер. Тушунарлими?

Саида юрагидаги ғашликнинг боисини энди тушунди. У Заринани бошлаб адабини бермоқчи бўлди-ю, аммо хозир иложсиз эканлигини англади. Дилфуза эса, кўз ўнгидан содир бўлаётган воқеаларнинг оқибати жуда аянчли эканлигини ҳис этиб, йиғи аралаш гапириб юборди:

— Опажа, раҳмингиз келсин! Бизни уйимизга жўнатиб юборинг. Бунақа ишларни қилолмайман, ахир мени ҳали узатишмаган ҳам...

Зарина бу гаплардан кейин ўзини ғазаблангандек кўрсатиб, Дилфузанинг сочидан тортиб, уни ваҳшийларча савалаб кетди. Саида шеригига раҳми келганидан йиғлаб юборди. Калтакланган қиз эса жароҳати туфайли, шифохонага ётқизилди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Зарина Дилфузани шифохонадан олиб чиқди. Улар меҳмонхонага келгач аҳвол яна ўша-ўша бўлиб, "эски тос, эски ҳаммом" тусини олди. Иложсиз қолган икки қиз ўз тақдирларига лаънатлар ўқиб, Заринанинг йўриғига юра бошлашди. Меҳмонхонага кўнглихушлик учун келган эркаклар янги келган қизларни баланд нархда баҳолашар эди. Нафис ҳақалак отган Зарина қизларга маҳкам ёпишиб, уларни бир зумга ҳам қаровсиз қолдирмасди.

Кунларнинг бирида меҳмонхонага икки нафар бизнесмен эркаклар келиб, Заринадан "дам" олиш учун янги қизлардан сўрашди. Уларга Саида билан Дилфузани таклиф қилиб, энг шинам хоналарининг қалитини бермоқчи бўлади. Аммо "миждоз"лар қизларни ўзи билан олиб кетмоқчи эканликларини айтади. Улар қизларни хордиқ чиқариш учун ресторанга олиб кетишади. Базм авжига чиққанида Туркия ички ишлари "Police" хизматининг ходимлари бу ерга келиб қолади.

Полиция ходимлари қизларнинг шахсини аниқлаш мақсадида уларни маҳкамага олиб келишади. Қизларнинг ёнида шахсини тасдиқловчи бирон бир ҳужжат бўлмаганлиги туфайли уларни сўроқ қилишади. Суриштирув давомида қизлар ўз манзилларини айтгач, Заринани ҳам полиция маҳкамасига қақиртиришади. Шундай қилиб, қизларнинг паспортда визага доир қайдномалар бўлмаганлиги боис, уларни Туркиядан депортация қилишга қарор қилинади. Қизлар ортга қайтиб, Қозғистон Республикасига учиб келишади. Бу ерда уларни эски танишларини Аида билан Фарҳод кутиб олади. Жабрланган қизлар жанжал қилмоқчи бўлишди-ю, аммо Фарҳод уларга дўқ-пўписи қилиб, ҳеч кимга ҳеч нарса айтмасликларини тайинлайди. Алданиб, номуси топталган қизлар тезроқ ўз уйларига боришни исташарди. Аммо у қизларни чегара ҳудудиди

жойлашган хонадонларнинг бирига олиб келади. Иккала қизни бир хонага жойлаштиришиб, қамаб қўйишади. Айниқса, турмуш қурмай, бадном бўлган Дилфузанинг ҳўрлиги келиб, йиғидан тўхтамасди. Саида уни тинчлантиришга ҳаракат қиларди.

— Сингилжон, бўлар иш бўлди. Илтимос, ҳадеб йиғлайвермагин. Уларнинг айтганига хозирча "хўп" дейлик. Ахир паспортларимиз уларнинг қўлида-ку. Уйимизга эсон-омон етиб олайлик. Кейин биз ҳам қараб турмаймиз...

— Опажа, бу кунимдан ўлганим яхши эди. Ота-онамнинг юзига энди қандай қарайман? Маҳаллада бош кўтариб юра олмайман энди!... Ноинсофларнинг айтганларини қилиб, шу ергача келдик.

— Улар бизни тунда айланма йўллар орқали Ўзбекистонга олиб кетишар эмиш...

Бир пайт хона эшиги очилиб, ўй эгаси кириб келди.

— Аида сизларга тунда тайёр бўлиб туришларингни тайинлаб қўйди. Тушундиларингми?— деди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпиб устиларидан яна қўлқаб қўйди.

— Айтдим-ку, тунда бу ердан чиқиб кетамиз,— деди Саида Дилфузани юпатгандек бўлиб.

Тунги тахминан соат 02.00 ларда Аида билан Фарҳод қизларни айланма йўллар орқали юртимизга олиб киришади. У қизларга паспортларини қайтариб, дўқ урди:

— Чет элга бориб, қойиллатиб ишламадиларинг ҳам. Сенлар учун 2.000 АҚШ долларидан ҳаражат қилинганини биласанларми ўзи? Бунинг устига қарзларингни ҳам узганларинг йўқ...

Аида хайрлашиш олдидан уларнинг манзилларини ёзиб олади. Сўнг қизлар ўз уйларига йўл олишади.

Дилфуза уйдагиларининг юзига тик қарашга ботинолмасди. У бор воқеани опаси Дилнозага айтиб берди. Дилноза сингилсининг гапларини эшитиб, туюқиб кетди. Одам савдоси қўбонига айланган қизнинг бошидан ўтган воқеалардан кўпчилик хабар топиб бўлганди. Сингилсининг бу ҳолатга тушганидан Дилноза ўзини айбдор ҳис қилди. Улар дарҳол туман ички ишлар идорасига мурожаат қилишди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иш қўзғатилди. Ачинарлиси, дастлабки тергов жараёнида Гулноза Самирова ва Аида Руфатовалар билан жиноий тил бириктирган "Фарҳод" ва "Зарина"нинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади. Нихоят, одил суд ўз ҳукмини эълон қилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди Гулноза Самирова ва Аида Руфатоваларга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши бўйича танлов эълон қилади!

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги "2011-2012 йилларда Тошкент вилоятининг Пискент туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги 120-сонли қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш шарти билан, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танлов ўтказиш куни — 2013 йил 21 январь

Танлов ўтказиш жойи — Тошкент вилояти ҳокимияти биносидан

Манзил — Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй.

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятини бажариш учун актив ва пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашиши мумкин.

Объект номи	Жойлашган манзили	Танлов шартлари			
		Фаолият тури	Минимал инвестиция миқдори (млн. сўм)	Бажарилиш муддати	Яратиладиган янги иш ўринлари
Фойдаланилмаётган ва бўш турган поликлиника биноси	Пискент тумани, А.Темур кўчаси	Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	500	2 йил	40

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказилиши санасидан камидан уч кун олдин ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Давлат мулки кўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — Низом, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, охириги ҳисобот даври (чорак, йил)даги бухгалтерия баланси ҳамда аудит хулосаси (агар аудиторлик текшируви ўтказилган бўлса) нусхалари, хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги муҳрланган конвертларга солинган танлов таклифлари; инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган миқдори, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг ассортименти ва унинг рақо-

батбардошлилиги;

ҳом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қутилаётган иқтисодий самара;

сотиш объектини молиявий-ҳўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссиясига - Тошкент вилояти ҳокимлиги ёки Давлат мулки кўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил — 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55- уй.

Телефонлар: 259-22-48, **факс:** 239-83-90

Белгиланган танлов кунинда объектлар сотилмаган тақдирда танлов ҳафтанинг ҳар душанба куни бўлиб ўтади.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз пайғом қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Давлат мулки кўмитасининг **(8-371) 259-21-37** ишонч телефон рақамига ва hususiy@tashtirish@mail.ru электрон почта манзилига хабар қилишингиз ёки Тошкент вилояти ҳокимлигининг **(8-371) 236-27-70** телефон рақамларига кўнгирок қилишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат кўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш оммавий оферта йўли билан давлат активларини сотиш савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида жойлашган "Чироқчи пахта тозалаш" АЖга қарашли "Ошхона" биноси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низомга ва Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2012 йил 21 март куниндаги 02-02-24-36-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқаришмоқда.

Сотиш учун таклиф қилинаётган давлат активининг тавсифи ва олди-сотди шартномалари тузиш шартлари:

Объектнинг умумий ер майдони 986,64 м², шундан бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилмаларнинг умумий ва фойдали майдони 598,14 м².

Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида жойлашган "Чироқчи пахта тозалаш" АЖга қарашли "Ошхона" биносига 148

166 177 (бир юз қирқ саккиз миллион бир юз олтинчи олти минг бир юз етмиш етти) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ҳамда энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва манзили: Музокаралар 2012 йилнинг 25 декабрь куни соат 09:00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси, 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат кўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш санаси ва вақти: 2012 йил 25 ноябрь кунидан (бир ой давомида ҳар ҳафта душанбадан жума кунига қадар соат 9:00 дан бошлаб 18:00 гача) 2012 йил 24 декабрь куни соат 18:00 гача.

Оммавий оферта савдоларига қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни

илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта савдосига қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиз миқдоридан закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— оммавий оферта савдоси ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидаги-

ларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

1. Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Сотувчининг манзили: 180112, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Темур кўчаси 43-уй.

Алоқа телефонлари: (8375) 225-03-11, 225-02-48, **факс:** 225-02-51.

E-mail: gkikashkadarya@mail.ru

Маъзур давлат активини савдога қўйиш юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

Оммавий савдолар ўтказилиши жараёнида қонунбузарликлари ва таъмагирлик ҳолатлари ҳамда ноқонуний аралашулар кузатишган ҳолларда Давлат мулки кўмитасининг (+99871) 259-21-78, 259-21-14 телефон рақамларига мурожаат қилишингизни маълум қиламиз!

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилоят филиалида ўтказиладиган очик танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 30 августдаги 39-ПР-сонли ва 2012 йил 30 августдаги 40-ПР-сонли буйруғларига асосан қуйидаги давлат активлари такроран қўйилмоқда:

1. Қувасой шаҳар ҳокимлиги балансидаги Қувасой туман, Найман ҚФЙда жойлашган, **бошланғич баҳоси — 185 493 211 сўм** бўлган ҳаммом бино-иншоотлари (бундан кейин "Давлат активи" деб юритилади).

Танлов савдоси ғолибига 2 (икки) йил давомида 200 000 000 (икки юз миллион) сўм миқдоридан инвестиция киритиш мажбурияти юқлатилади.

Давлат активини балансда сакловчи: Қувасой шаҳар ҳокимлиги.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Бошқарув. Ер участкасининг умумий майдони 568,70 кв.м, ҳамда бино эгаллаган фойдали майдони 417,31 кв.м.

2. Тошқоқ туман ҳокимлиги балансидаги Тошқоқ тумани, Ахшад ҚФЙ, Силимасжид маҳалласида жойлашган, Бошланғич баҳоси - 85 891 513 сўм бўлган ҳаммом бино-иншоотлари (бундан кейин "Давлат активи" деб юритилади).

Танлов савдоси ғолибига 1 (бир) йил давомида 30

000 000 (ўттиз миллион) сўм миқдоридан инвестиция киритиш мажбурияти юқлатилади.

Давлат активини балансда сакловчи: Тошқоқ туман ҳокимлиги.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Бошқарув. Ер участкасининг умумий майдони 411,42 кв.м, ҳамда бино эгаллаган фойдали майдони 288,31 кв.м.

Танлов савдолари 2012 йил 12 декабрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 11 декабрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активлари, 2012 йил 12 декабрь кунги танлов савдосида сотилмаган тақдирда такрорий танлов савдоси 2012 йил 28 декабрь куни бўлиб ўтади. Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 28 декабрдаги танлов учун 2012 йил 27 декабрь куни соат 18:00.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KMCX" МЧЖ Фарғона вилоят филиа-

лининг "Халқ банки" Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207122519

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юқлатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камми ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб-рақамига ёки закалат шартномасига мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Танлов савдолари Фарғона ш. Б.Марғиновий кўчаси, 35-уйда бўлиб ўтади.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдирishi билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Фарғона ш., Б.Марғиновий кўчаси, 35-уй, электрон почта: rielsavdo@inbox.uz. Тел: (8-373) 224-68-69 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия№RR-0001

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 16 ноябрдаги 126-С-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли Сув муаммолари институтининг тажриба экспериментал базаси тасаруфдаги Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўз-сув ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бошлангич баҳоси — 126 504 000 сўм бўлган, "Био ва иншоотлари" (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Илмий тадқиқотлар олиб бориш.

Давлат активининг умумий ер майдони 0,1677 Га, бино иншоотларнинг қурилиш ости майдони 561,56 кв.м.

Био ва иншоотларда сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активи бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 18 975 600 (ўн саккиз миллион тўққиз юз етмиш беш минг олти юз) сўм миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519.

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 16 ноябрдаги 127-С-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли Сув муаммолари институтининг тажриба экспериментал база-

си тасаруфдаги Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўз-сув ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бошлангич баҳоси — 206 752 000 сўм бўлган, "Автогараж бино ва иншоотлари" (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Илмий тадқиқотлар олиб бориш.

Давлат активининг умумий ер майдони 1,7032 Га, бино иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1488,38 кв.м.

Био ва иншоотларда сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активи бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 31 012 800 (ўттиз бир миллион ўн икки минг саккиз юз) сўм миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519.

Давлат активларини аукцион савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Аукцион савдолари 2012 йил 24 декабрь кuni соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 21 декабрь кuni соат 18:00.

Юқоридаги давлат активлари 2012 йил 24 декабрдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 31 декабрь ва 2013 йил 7, 14 январь кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2012 йил 31 декабрдаги савдолар учун 28 декабрь кuni соат 18:00; 2013 йил 7 январдаги савдолар учун 4 январь кuni соат 18:00; 14 январдаги савдолар учун 11 январь кuni соат 18:00.

Аукцион савдоси шартномага қўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо голиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамш-1 кўчаси, 1 "А"-уй манзилдаги бионинг 4-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамш-1 кўчаси, 1 "А"-уй. Тел.: 228-79-52, 228-84-48.

Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ҳудудий филиалларида 2012 йил 12 ноябрдан 13 ноябргача бўлган муддатда ўтказилган аукцион савдолари натижалари			
Объект номи	Жойлашган жойи	Минимал қиймати (сўмда)	Сотилиш қиймати (минг сўмда)
Самарқанд вилояти			
2012 йил 13 ноябрда			
Қурилиш тугалланмаган "Дала ховли"	Самарқанд вило., Самарқанд ш., Ўзбектракти кўчаси 35 уй	49 114 200,00	77 460,00
Сурхондарё вилояти			
2012 йил 12 ноябрда			
Стоматология бўлимининг биноси	Бойсун т. ЮҚодиров маҳалласи, Ат-Термизий кўчаси	27 284 828,00	28 800,00

Хурматли тadbirkor ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси Бектемир тумани ҳокимиятининг "Бектемир-Инвест" давлат унитар корхонаси тасаруфдаги, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Сувчи даҳасида жойлашган (кейинги ўринда "Объект" деб ўқилади) қурилиш тугалланмаган био ва иншоотлар негизда давлат улуши иштирокида ҳўжалик жамияти ташкил этиш бўйича 2012 йил 24 декабрь кuni танлов савдоларини ўтказди.

Танлов савдоларини ўтказиш шартлари қўйидагича:

- давлат мулки иштирокида ҳўжалик жамияти (АЖ ёки МЧЖ) ташкил этиш;
- ушбу объекта энг юқори инвестиция (бир йил давомида) киритиш мажбуриятини олиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- замонавий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш;
- бир йил давомида жамият устав фондини шакллантириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- Бизнес-режа, жамият устав нусхаси, юридик шахннинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, директорининг паспорт нусхаси ва керакли ҳужжатларни конвертга солиб икки нусхада муҳрланган ҳолда тақдим қилинади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида сотувчи билан шартномани имзолаш шarti юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш танлов савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Танлов савдолари 2012 йил 24 декабрь кuni соат 16:00да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темура шoҳ кўчаси, 16 "а"-уй манзилда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-98, 233-22-83, 233-74-72

Диққат «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»!

"Хурматли ҳамюртлар!" Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг ошиши ёнғин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь кундаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрга қадар Республика миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тadbirkor ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тadbirkorларни амалга ошириш" — деб белгиланган.

Азиз ватадорлар! Сизлардан ушбу тadbirkor фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилсангиз, сиз нафақат ойлик тadbirkorнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй жойингизни ёнғиндан асраб, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини ҳам таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тadbirkorларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юрдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари Улуғбек Хуррамовга акаси

Абдуқодир ҚУРБОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Адолат ҲАМРОҚУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Musallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-5771. 45 847 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nabavchik muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musabih: M.QAMBAROV
Nabavchik: O'DEHOONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2008-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yzga olingan.

